

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК:619:636.1:617.3:616.085

Юлдошева Мадина Қахрамоновна

**“Отларда туёк бугими асептик яллиғланишларини
этиопатогенези ва уни даволаш”.**

Мутахассислик: 5А 640102«Ветеринария жарроҳлиги»

МАГИСТР

**Академик даражасини олиш учун
диссертация**

Илмий раҳбар:

в.ф.д, профессор

Н.Ш. Давлатов.

САМАРҚАНД – 2012

М У Н Д А Р И Ж А.

I. КИРИШ.....	3
II. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ.....	9
2.1. Спорт отларида асептик бўғим яллиғланишларини этиопатогенези, диагностикаси, даволаш ва олдини олиш.....	9
2.2. Асептик бўғим касалликларининг ҳайвонларда учраш даражаси ва ўзига хос хусусиятлари.....	20
III. АСОСИЙ ҚИСМ.	
3.1. Илмий тадқиқот натижалари, таърифи ва таҳлили.....	26
3.2. Отлар бармоқларининг анатомо-топографик тузилиши.....	27
3.3. Отларда оёқ бўғимлари йирингсиз яллиғланишлари этиопатогенезининг айрим хусусиятлари.....	37
3.4. Бўғимларни асептик яллиғланишларини даволаш.....	52
3.4.1. Клиник кўрсаткичлари.....	52
3.4.2. Морфо-биокимёвий кўрсаткичлари.....	55
IV. Олинган натижалар таҳлили.....	63
V. ХУЛОСА.....	70
VI. Амалиётга таклифлар	71
VII. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	72
VIII. ИЛОВА	79
IX. ИНТЕРНЕТ МАЪЛУМОТЛАРИ	83

I.Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Президенти И.А. Каримов томонидан кейинги йилларда қишлоқ хўжалигини, айниқса чорвачиликнинг муҳим соҳаларидан бири бўлган йилқичиликни ривожлантиришга жуда катта эътибор берилмоқда. Бу борада Республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг бир қанча фармонлари ва қарорлари эълон қилинди. Булардан бири 23 март 2006 йилда чиқарилган “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтирилишини рағбатлантириш чора – тадбирлари тўғрисида” 308 – қарори ва “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2008 йил 21 апрелдаги ПК-842 қарори чорвачиликни шу жумладан йилқичиликни ривожлантиришга яна бир туртки берди.

Республикимиз минтақасида кечаётган иқтисодий ислохотлар асосида янги мулкчиликда шаклланган типдаги хўжаликларни яратиш, бу хўжаликларни иқтисодий ва хусусий негизларини ишлаб чиқиш шу асосида аҳолини озиқ – овқатга бўлган эҳтиёжини қондириш, маънавий – мавқуравий янги дуне қарашни шакллантириш катта аҳамият касб этади.

Фермер хўжаликлари ташкил этилганидан кейин, нафақат сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, балки ишлаб чиқиладиган маҳсулотлар таннархини пасайтириш муҳим аҳамият касб этади, бунинг хўжалик ичкарасидаги ишларига транспорт сифатида отлардан фойдаланиш маҳсулот таннархининг пасайтириб уларни рентабеллик даражасини оширади.

Республикамизда охириги йилларда отлардан фақатгина транспорт сифатида фойдаланмасдан, балки турли хил спорт ўйинларида, кази ва қимиз етиштиришда ҳам кенг фойдаланилмоқда. Шунинг учун ҳам отлар сонини кўпайтириш ва уларни соғлом қилиб тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга. Аммо отлар ўртасида турли хилдаги инфекция, инвазия ва юқумсиз касалликлар

кўп учраб, уларни ривожланишига ва махсулдорлигининг пасайишига сабаб бўлмоқда. Шундай касалликлардан бири хирургик патологиялар хисобланади. Бу патология ичида отлар локомотор аппаратида учрайдиган сурункали яллиғланишлар кўп учраб хўжаликларга катта иқтисодий зарар етказмоқда. Бу касалликлар оқибатида отлар иш - қобилиятини йўқотади, тана вазни кескин камаяди ва улар эрта хисобдан чиқарилиб мажбурий суйилишига ҳам сабаб бўлади.

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Асептик яллиғланиш жараёни турли хилдаги механик шикастланишлар натижасида ҳосил бўлиб, томирлар гиперемияси, улар ўтказувчанлигини ортиши билан намоён бўлиб, сероз ёки фибриноз эксудатнинг тўпланишига олиб келади (М. В. Плохотин, 1981). М.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики бўғимларда учрайдиган асептик яллиғланиш жараёнлари ҳам организмда кечаётган турли туман омилларга боғлиқ бўлади, шунинг учун ҳам биринчи навбатда организм резистентлигини кўтариш шу куннинг муаммоларидан бири хисобланади.

Шу туфайли бу мазкур ишимизда отлар ўртасида кўп учрайдиган асептик бўғим яллиғланишларининг этиопатогенози, диагностикаси, даволаш ва олдини олишнинг самарали ва замонавий усуллари ишлаб чиқишни ўз олдимизга мақсад қилиб олдик.

1. Отларда оёқларининг туёқ бўғимида учрайдиган асептик жараёнларни этиопатогенезини ва учраш даражасини ўрганиш.

2. Отларнинг туёқ бўғимида учрайдиган асептик жараёнларни қулай диагностик усуллари аниқлаш.

3. Туёқ бўғимида учрайдиган асептик жараёнларни даволашни замонавий комплекс, яъни самарали ва замонавий усуллари яратиш ва ишлаб чиқишга тадбиқ қилиш.

Ишнинг назарий, амалий аҳамияти ва илмий янгиликлари. Мамлакатимизда чорвачиликга ихтисослашган шахсий фермер хўжаликлари кундан кунга кўпайиб, ҳукуматимиз томонидан берилаётган имтиёзлар

ҳисобида ривожланиши, ветеринария мутахассислари олдига янги вазифаларни қўймоқда. Шахсий фермерлар хўжаликлари раҳбарлари ўзлари янги тартибда иш юритиб, айрим ветеринария чора–тадбирларини ўз вақтида ўтказишда анча қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Кўпчилик шахсий фермер хўжаликларида зоогигиеник қоидалар ва озиқлантириш тартиби бузилиши оқибатида ҳайвонлар ўртасида турли хилдаги очик ва ёпиқ механик шикастланишлар келиб чиқмоқда. Бу эса хўжаликлардаги отларда асептик бўғим касалликларининг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда ва оқибатда катта иқтисодий зарар етказмоқда. Бундай касалликлардан бири отларнинг туёқ бўғими асептик яллиғланиш жараёнлари бўлиб, унинг оқибатида ҳайвонлар иш фаолияти ва махсулдорлигининг кескин пасайишига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон чорвачилик соҳасида учрайдиган юқумсиз касалликларнинг салмоғи юқори эканлиги бир қанча олимлар томонидан таъкидланиб келинмоқда. Бу касалликларнинг аксарият кўпчилигининг келиб чиқиш сабаблари ноаниқлиги, ветеринария мутахассислари олдига жуда катта муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Кўпчилик фермер хўжаликлар ҳайвонларни нотўғри сақлаш у ердаги зоогигиеник талабларнинг тузилиши сезиларли даражада шикастланишларнинг ривожланишига сабаб бўлмоқда. Кўпчилик шикастланишларни келиб чиқишига жумладан бўғимлар паталогиясининг ривожланишига сабаб бўлувчи омилларга туёқларни нотўғри кирқиш, ҳайвонларни қаттиқ полда сақлаш, уларни нотўғри ташиш ва ишлатиш ҳамда етарли даражада озиқлантирмаслик асосан отларда оёқларида тендинит, артрит ва артрозлар кузатилади, шунинг учун ҳам биз ушбу диссертация ишимизда отларда туёқ бўғимлари анатомо-топографик тузилиши, физиологик хусусиятлари, туёқ бўғимида асептик патологик жараёнларининг ривожланишига сабаб бўладиган омиллар, патологик жараённинг патогенези, диагностикаси, даволаш ва олдини олиш чора

тадбирларини ўрганиб, ҳайвонларни маҳсулдорлигини ва иш фаолиятини тиклашга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқишдан иборат. Бунинг учун касалликни даволашда янги дори моддаларда фойдаланишни ва касалликни олдини олиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш бизнинг ишимизни мақсади ҳисобланади.

Илмий тадқиқот ишларининг манбалари ва услублари. Илмий текширишлар ва тажрибалар Самарқанд қишлоқ хўжалик институти, ветеринария, зоотехния ва қоракўлчилик факультетининг «Ҳайвонлар анатомияси, физиологияси, жарроҳлиги ва фармакология» кафедрасида вилоят отчопарлик корхонасида, клиникада қабул қилинган касал ҳайвонларда ва Самарқанд вилоят шифохонаси лабораторияларида ўтказилди.

Туёқ бўғими асептик яллиғланишлари билан касалланган отлар ажратилиб, уларда қоннинг гематологик ва патологик жараённинг жойлашган жойи ва ўзгаришлари текширилди, уларни даволаш мақсадида хондралон дорисини таъсирини таққослаб ўрганилди.

Бугунинг учун ажратилган 6 бош ҳайвонлар 2 гуруҳга ажратилиб, уларга қуйидаги муолажалар қўлланилди. (1-жадвал)

Тажриба схемаси

1-жадвал

№	Гуруҳлар	Ҳайвонлар сони	Даволаш муолажалари
1	1 гуруҳ Назорат	3	1. Анъанавий усуллар а) парафин аппликацияси б) Учувчи линимент в) 0,5 % ли новокаин + гидрокортизон (бўғим ичига) г) 10 % ли новокаин+гентамицин (бўғим атрофига)
2	II гуруҳ Тажриба	3	1. Анъанавий усулларга қўшимча: а) хондролон (бўғим ичига)

Бунда биринчи гуруҳ ҳайвонлари анъанавий усулларда, яъни парафин аппликацияси, учувчи линимент қўлланилиб, 0,5 % ли новокаин+ гидрокортизон бўғим ичига ва 0,5 % ли новокаин ва гентамицин антибиотиғи бўғим атрофига юборилди.

Иккинчи тажриба гуруҳи ҳайвонларида ҳам анъанавий даволаш усуллари қўлланилди. Қўшимча хондролон дориси бўғим ичига юборилди. Иккала гуруҳда ҳам даволаш муолажаси ҳар куни қўлланилиб борилди

Икки гуруҳдаги ҳайвонлар бир хил шароитда сақланди ва озиқлантирилди. Организмга хондролон дориси таъсирини таққослаб ўрганиш мақсадида тажрибадаги отлар тажрибаларнинг бошида ва хондролон дориси юборилгандан кейин 5 – 10 – 15 – 25 кунлари клиник текширишлардан ва улардан олинган қон намуналари морфо-биокимёвий кўрсаткичлар бўйича лаборатор текширишдан ўтказилди.

Ҳамма босқичдаги тажрибаларимизда қон таркибидаги эритроцитлар ва лейкоцитлар сони (Горяев санок тури ёрдамида), периферик қондан тайёрланган суртмаларда лейкоформула, қондаги гемоглобин (Сали гемометри ёрдамида), оксил фракциялар Олла – Маккорднинг нефелометрик усулида, С.А.Карпюк модификацияси, 1962) ёрдамида аниқланди.

Ишларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда олди олинган зарар, ветеринария тадбирлари учун харажатлар ва харажатлар қоплами клиник ва лаборатория текширишларда инобатга олинди.

II. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

2.1. Спорт отларида асептик бўғим яллиғланишларини этиопатогенези, диагностикаси, даволаш ва олдини олиш. Организмда ривожланидиган патологик жараёнларнинг кўпчилигини шикастланишлар келтириб чиқаради.

Аммо М.В. Плахотин ва бошқалар (1981) ва К.И. Шакалов (1981) кўпчилик артритларни келиб чиқишида бўғимларнинг кучли шикастланишлари билан биргаликда, айрим ҳолларда фибриноз синовитларни келиб чиқишида токсико-аллергик хусусиятига эга бўлган омиллар ҳам сабаб бўлишини таъкидлайди.

К.И. Шакаловнинг (1987) маълумотига кўра, артритларнинг ривожланишида бўғимларнинг зўриқишидаги микротравмалар, туёқ емирилиши ва деформацияси, оёқлардаги таянч-ҳаракат ҳолатининг бузилиши сабаб бўлар экан. Бундан ташқари айрим бўғимларда артритларнинг келиб чиқишига уларнинг анатомо-топографик тузилиши ҳам сабаб бўлиши мумкин. Бунда патологик жараён кичик болдирнинг учинчи мускули ва бармоқнинг узун ёзувчи пайининг пай ости синовиал халтаси орқали бўғимларга ўтади, дегенератив остеоартритлар эса сурункали артритларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади .

Сурункали асептик бўғим касалликларини келиб чиқишига тўғридан-тўғри сабаб бўлувчи омиллардан ташқари, уларнинг келиб чиқишига озиқлантириш, наслдан-наслга ўтувчи ва экологик омиллар ҳам сабаб бўлиши мумкин. Бу омиллар доминантлик хусусиятига эга бўлмасада, уларга доимо жиддий эътибор берилиши керак.

Ҳайвонларни узоқ вақт боғлаб боққанда, асосан жадал бўрдокига боқилганда гиподинамияга олиб келади, оёқлар ҳолатига ва организм реактивлигига салбий таъсир этади. Гиподинамия моддалар алмашинувини издан чиқариб, овқат ҳазм бўлишини пасайтиради, асосан минерал моддалар ва витаминларни, ёғ ва мускул тўқималари секин ривожланади, пай ва

боғламларнинг мустаҳкамлиги пасаяди, суякда қон айланиши бузилади. Таянч ва ҳаракат аппаратида дистрофик ўзгаришлар ривожланади. Ҳайвон танасининг жадал ўсиши натижасида секин ривожланаётган суяк, пай-боғламлар ошиб бораётган оғирликга мослаша олмайди, оқибатда бўғимларда касалликнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади (Веремей Э. И., 2003; Молоканов В.А. ва бошқалар, 2001; Улимбашев М. Б., 2007; Панько И.С., 2003; Корис А.В. 1990; Попов С. 2000 ;)

Ретроград венография усули ёрдамида ит ва отларнинг бармоқларидаги юмшоқ тўқималарида қон томирларнинг нормада ва патологик жараён кечаётгандаги ҳолати аниқланди.(Нарусбаева М.А. 2006; Стекольников А.А.,и др.,2007; 2009; 2010; Белов М.В., Нарусбаева М.А.,2009)

Нарусбаева М.А.(2009) ўз тажрибаларида ретроградли усул ёрдамида отларда ламинит ва итларда билакузук, бармоқ касалликларини даволашда вена қон томирига дори моддаларини юбориб жуда яхши натижалар олганини таъкидлайди.

Йирик шохли ҳайвонларнинг бўғимларида яллиғланиш жараёнлари асептик синовитлар кўпроқ учраб, улар асосан товон, билакузук, тушоқ ва тизза бўғимларида кузатилади (К.И. Шакалов, 1981, 1987).

Тос-сон бўғими яллиғлаиши тахмин қилинганидан кўра кўпроқ учраши, лекин тизза сакраш ва ҳатто билакузук бўғимларидан камроқ учраб, асосан сизирларда, камроқ буқаларда кузатилад экан.

К.И. Шакалов (1987), Н.Ш. Давлатов ва бошқ. (1998), ларнинг маълумотига кўра, ҳаётий муҳим тўқима ва аъзоларнинг шикастланиши кўп миқдорда қон йўқотиш билан ривожланиб, ўткир ҳолда кечадиган травмалар ҳайвоннинг ҳаёти учун хавфли бўлиши мумкин. Тўқималарнинг кўп қўламдаги ёпиқ шикастланишлари ва тўқималарнинг парчаланишидан ҳосил бўлган захарли моддаларнинг қонга жадал сўрилиши натижасида, ҳайвонларнинг травматик захарланиши вужудга келади. Механик

омилларнинг ўта кучли таъсири натижасида ҳосил бўладиган шикастлар оқибатида жигар, ошқозон, ичаклар, сийдик пуфаги ва аъзолари ёрилиб кетиши мумкин ҳамда шикастланган тўқималарга патоген микроорганизмларнинг тушиши натижасида, кўплаб ҳолларда шикастларнинг асорати сифатида абсцесс, флегмоналар, некробактериоз, актиномикоз каби патологик жараёнлар ривожланиши мумкин. Шикастланган ҳайвонларда аксарият ҳолларда фалаж ва ярим фалаж, атрофиялар, нерв тўқималарининг ўлиши каби турли хилдаги нерв-трофик бузилишлар вужудга келиб, ҳайвон умумий ҳолатининг ёмонлашувига олиб келади.

Аксарият кўп ҳолларда, бўғим касалликларининг ривожланишида этиологик омиллар ўтмас жисмларнинг урилиши ёки ҳайвонларнинг сиқилиши натижасида келиб чиқадиган ёпиқ турдаги механик шикастланишлар ҳисобланади (И.Я. Тихонин, М.А. Фельдштейн, 1971). Бунда бўғим шикастланиши қийин кечиш даражасига, даволаш жараёнининг мураккаблиги ва оқибатининг турли хила бўлишига қараб бир-биридан фарқланади (И.В. Шабалаев, 1989).

Кейинги йилларда ветеринария амалиётида ҳам физикавий даволаш усуллари кўлланиш кенг жорий этилмоқда. Кичик интенсивликдаги лазер нурларидан фойдаланиш ҳам шулар жумласига киради. Кичик энергияли лазер нурлари ҳайвонлар организмидаги яллиғланишларни даволашда яхши натижа беради. Лазер нурлари билан нурлантирилган аутоқон от ва қорамолларда таянч-ҳаракат аъзоларининг касалликларини даволашда . (Ниёзов Ҳ.Б ., 2008; Ниёзов Ҳ.Б ва бошқалар, 2008 , 1998 , 2003, 1998; Ниёзов Ҳ.Б., Д. Каюмов, 2007; Ниёзов Ҳ.Б., Т. Бобомуродов , 2007; Ниёзов Ҳ.Б., А. Хужамшукуров , 2008), кенг қўлланилиб жуда яхши натижалар олинган.

Травматин дориси патологик ўчоқдаги тўқималарда регенерация жараёнларини кучайтиради. Бир неча кундан кейин жараён ижобий томонга ўзгаради. Агар антибиотик антисептик малҳамларни қўлласа регенерация

жараёнлари сушлашади. Травматин дориси тери ости ёки мускул орасига қилинганда бир ҳафтада 1-3 марта юборганда ўткир синовит, тендовагинит, бурсит ва сурункали миозитларни яхши даволайди. (<http://www.helvet.ru/animal/horse/first.php>)

2. Хионат дориси вена ичига сустав ичига юборилганда жуда яхши натижа беради. Хионат 4 мл миқдорда артрит билан касалланган ҳайвонларга ҳафтага 2 марта юборганда жуда яхши натижа олинди, бунда оксаш камайиб ҳайвон бемалол оёғига таяна олди. Бўғимларнинг ҳаракатчанлиги яхшиланди. Бўғимлардаги шишлар қайтди. (<http://www.bayeranimalhealth.ru/scripts/pages/ru/library/cattle/arthritis/index.php>)

3. Ҳайвонларда лакаматор аппаратларини касалликларга диагноз қўйиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга. Маҳаллий анистизияни қўллаш патологик жараёнларни қаерда жойлашганлигининг имконини беради. Кейинги йилларда радиография усулини қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари паст интенсивликка эга бўлган лазер нурларини қўллаш ҳам амалга оширмоқда. Бу усуллар ёрдамида патологик жараённинг қаерда жойлашганлиги аниқланади (<http://sudarrb.com/old/vet/opornodvigat.htm>)

4. Бўғимнинг асептик яхши экссудат характерга қараб серрозли, серроз-фибринозли, фибринозли, клиник кечишига қараб ўткир ва сурункали бўлиши мумкин. Бўғимларнинг асептик яллиғланиши механик урилиш, лат ёйиш, чузилиш, чиқиш натижасида пайдо бўлади. Механик шикастланиш қанчалик енгил бўлса, бўғим яллиғланиши ҳам шунчалик енгил кечади. Шикастланиш пайтида бўғимларда жароҳат бўлса, инфекция тушиш натижасида йирингли бўғим касалликлари ривожланади. (<http://webmvc.com/bolezni/livestock/surgeon/arthritis.php>)

Кейинги йилларда кўпгина бўғим касалликларининг этиологияси, патогенези, морфологик ўзгаришлари, клиник белгилари ва алоҳида бўғимлардаги шикастланиш даражаларини ўрганиш бўйича қатор илмий

ишлар қилинди. Шуларга асосланган ҳолда бир қанча олимлар томонидан бўғим касалликларини таснифлаш бўйича бир нечта вариантлар таклиф қилинди.

Аммо кўпгина олимлар томонидан таклиф қилинган таснифлаш ҳозирги кунда маълум бўлган бўғим касалликларининг барчасини қамраб ололмайди ва улардаги муаммоларни ҳал эта олмайди. Шунини таъкидлаш лозимки, бу борада К.И. Шакалов (1952) таклиф қилган тасниф кўпгина талабларга жавоб бера олади. Муаллиф бўғим касалликларини 5 та гуруҳга бўлади:

1. Бўғимларнинг ёпиқ шикастланишлар оқибатида келиб чиқадиган ўткир ва сурункали асептик касалликлари: лат ейишлар, гемартрозлар, чўзилишлар, бўғимларнинг чиқиши, синовитлар (серозли, серо-фибринозли, фибринозли), пара ва периартикуляр фиброзитлар, периартритлар, контрактуралар.

2. Бўғимнинг очик (жароҳат) шикастланишлари.

3. Йиригли бўғим касалликлари: синовит, капсуляр флегмона, артрит, остеоартрит, параартикуляр флегмона, чиритувчи артрит ва панартрит.

4. Махсус ўткир ва сурункали кечадиган юқумли ва юқумли-аллергик бўғим касалликлари: бруцеллёзли, паратифозли, ревматик.

5. Сурункали экссудатсиз бўғим касалликлари: деформацияланувчи артрит (остеоартрит), суяклашувчи периартрит, артроз ва анкилоз.

Бўғимларнинг барча анатомик элементларида учрайдиган йирингли яллиғланишларда патоген микрофлоралар муҳим аҳамият касб этади.

К.И. Шакалов ва бошқалар (1987), И.С. Паньколарнинг (1982) маълумотларига кўра бўғимларнинг йирингли яллиғланишларини санчилгн жароҳатлар, атрофидги тўқималарнинг механик шикастланишлари, периартикуляр тўқималар, синовиал халта шиллик пардаси ва пай қинлари орқали йирингли яллиғланиш жараёнларининг бўғим тўқималарига ўтиши,

шунингдек плеврит, эндометрит, параартрит ва бошқа касалликларда метастатик йўл билан ўтиши оқибатида ривожланади.

И.С. Паньконинг (1982) таъкидлашича, касалликнинг патогенези ўзига хос хусусиятларга эга, яъни бўғимлар яллиғланишининг босқичларсиз ўтиши, бир вақтда барча бўғим тўқималарининг шикастланиши билан характерланади. Шунинг учун йирингли синовит, капсуляр флегмона ва шу каби касалликларни бир-биридан ажратиш қийин бўлиб, касалликка бўғим тоғайлари ҳамда ёнма-ён жойлашган суяклар таркибининг бузилиши билан ўтадиган остеоартрит ва параартрит деб ташхис қўйилади.

Бўғимларнинг шикастланишидан кейин уларда постравматик яллиғланиш жараёни жадал ривожланиб, касалликнинг кечишини сезиларни даражада оғирлаштиради ва кўп ҳолларда унинг оқибатини белгилаб беради. М.А. Тереснинг (1985) фикрига кўра синовиал бўшлиқлар патологиясида асосий ўзгариш яллиғланиш пайтида синовиал суюқликларнинг меъёрида ҳосил бўлишидан фарқ қилиши ҳисобланади.

Организмда кузатиладиган лат ейишларнинг даражаси ва шикастланган ҳайвоннинг умумий ҳолати асосан шикаст кучига ва урилиш жойига, ҳайвоннинг ёши ва семизлигига шу билан бирга тўқималарнинг функционал ҳолатига боғлиқ бўлади (И.Я. Тихонин, М.А. Фельдштейн, 1971).

Тўғридан-тўғри шикастланишда бўғимнинг ҳамма жойига шикаст бир хил таъсир этмайди, шунинг учун ҳам бўғим терисининг айрим жойларига кўпроқ шикаст таъсир этган жойига шилиниш, тилиниш ва тери орасига қон қуюлишлари кузатилади. Оёқнинг юқориги қисмида жойлашган бўғимлар лат еганда, бўғим атрофидаги мускуллар ҳам шикастланади. Кучли лат ейишларда бўғим боғламлари ва капсуласи шикастланиб, бўғим ичига қон қуюлади, айрим ҳолларда бўғими тоғайи ва суяк эпифизи ҳам шикастланади (К.И. Шакалов, 1952).

Бўғимларнинг кучли шикастланишида кўп миқдордаги йирик ва майда қон томирлари бутунлиги бузилиши кузатилиб, яллиғланиш жараёни бўғим

капсуласининг ҳамма қаватларида ва энг аввало унинг синовиал қобиғида ривожланади (К.И. Шакалов, 1952; М.В. Плахотин, 1981). Яллиғланиш жараёни томирлар гиперемияси, улар ўтказувчанлигининг ортиши билан намоён бўлиб, зардобли ёки зардобли-фибриноз экссудатнинг тўпланишига олиб келади (М.В. Плахотин, 1981). М.С. Борисовнинг (1991) маълумотларига кўра, экссудат таркибида бўғимлар капсуласининг шикастланиши оқибатида нобуд бўлган тўқима хужайраларининг бўлиши билан кечадиган қон томир реакциялари томирлардаги рецепторларнинг кўзгалишига олиб келади. Бундай зараёнлар эса, синовиал қобиклар ва уларнинг сўргичларида шишлар пайдо бўлишига сабаб бўлади (К.И. Шакалов, 1952; Б.М. Оливков, 1954; И.Е. Поваженко, 1961; М.В. Плахотин, 1981).

Бўғим бўшлиғига тўпланган экссудат, бўғим капсуласининг фиброз қаватига ва периартикуляр тўқимага шимилади. Унинг таркибида лейкоцитлар, эритроцитлар, катта молекулали оксил ва фибринлар бўлиб, улар асосан фибриноз синовитларда кўпроқ кузатилади, шу билан бирга синовиал қаватнинг эндотелиал тўқималари ҳам ажралади (Б.М. Оливков, 1954; М.В. Плахотин, 1981; М.С. Борисов, 1991), бунда бўғим бўшлиғида муҳит (рН) ошади (К.И. Шакалов, 1952).

Экссудатда тўпланган фибрин ва бошқа оксилли моддалар уюшади ва плёнкага ўхшаган қават ҳоил қилади, ҳосил бўлган мустаҳкам қават бўғимнинг субсиновиал қаватини тўлиқ ўраб олади (К.И. Шакалов, 1952; М.С. Борисов, 1991). Бу эса бўғим бўшлиғидан экссудатнинг чиқишини бузади ва бўғим ичидаги босимни оширади ва бўғим интероцепциясини ва ўтказувчанлигини бузади (В.А. Матвеев, 1978).

Касалликнинг енгил кечишида бўғим капсуласидаги яллиғланиш жараёни сусаяди ва суюқлик сўрилади. Касалликни даволаш муддати чўзилганда ёки ўз вақтида тўғри охиригача даволаш ишлари бажарилмаганда бир қисм фибрин лахталари (“гурунг таначалари”) туз билан туюниб артролитларини ҳосил қилади (Б.М. Оливков, 1954; М.В. Плахотин, 1981).

Бўғим касалликларининг сурункали асептик жараёнларида коллаген толаларнинг ўсиши (склероз) ва тўқималарда инфилтратнинг тўпланиши натижасида синовиал қаватнинг қалинлашуви кузатилади. Қатламларга ажралган коллаген толалар орасида кўпроқ фибробластлар учрайди. Яллиғланиш инфилтрати таркибида лимфоидли элементлар кўпроқ бўлади (М.А. Терес, 1985). Бунда В.Н. Павловнинг (1980) таъкидлашича, шикаст ва яллиғланиши оқибатида бўғим капсуласидаги бириктирувчи тўқималари активлашса ян таъсир бўлганда улар ўсишига сабаб бўлар экан.

Параартикуляр фиброзитнинг патогенези бошқача кўринишига эга бўлиб, параартикуляр тўқимада асосан унинг юмшоқ клетчаткасида кўп миқдорда қон томирлари ва нерв тутамчалари бўлади, улар шикастланганда патологик жараён кўпроқ яллиғланиши тез ривожланиб шиш ҳосил бўлади, тўқима элементларида экссудация ва пролиферация кузатилади.

Агар яллиғланиш ўткир шаклда бўлса, у тез сурункали шаклга ўтади, бунда шикастланган параартикуляр тўқима бужмаяди, сўнгра фиброз тўқима ўсиб кейинчалик бўғим ҳаракатини чегаралайди ёки камайтиради (К.И. Шакалов, 1952).

Сурункали кечадиган хирургик жараёнларда йирик шохли ҳайвонлар организми хос реактивликга эга бўлиб, бунда ўлган тўқима атрофига кўп миқдорда бириктирувчи тўқима ўсиб, оқибатда кенг кўлақда фиброз тўқиманинг ҳосил бўлишига олиб келади (С.Н. Мартъянов, 1960).

Шуни таъкидлаш лозимки, медицинада синовиал суюқликда мавжуд бўлган компонентлардан коллинреин-кинин системаси ёпиқ шикастланишларда яллиғланиш жараёни медиатори эканлиги тасдиқланган .

Адабиёт маълумотларидан маълум бўлдики, бўғим касалликларига аниқ ташхис қўйиш, уларнинг кенг тарқалишига қарамасдан қийин бўлиб қолмоқда. Бу бўғим касалликларининг кўп ва турли хилда бўлишига, шу билан бирга келиб чиқиши ва кечишининг ноаниқлигидир.

Бўғим касалликларига ташхис қўйишда функционал, морфофизиологик ва махсус текширишлар қўлланилади. Морфологик текширишлар пальпация, аускультация ва пассив ҳаракат ёрдамида текширилади. Агар бу текшириш усуллари ёрдамида аниқ ташхис қўйишнинг иложи бўлмаса, унда махсус текширишлардан ўтказувчан ва интраартикуляр оғриқсизлантириш, рентгенологик, иссиқ ванна ва аниқ текшириш учун бўғим бўшлиғидан синовиал суюқлик олиб текширилади (Г.С. Кузнецов, К.И. Шакалов, 1980).

Бўғимдаги синовиал суюқликни текшириш, аниқ ташхис қўйишда катта дифференциал-диагностик аҳамиятга эга бўлиб, бўғимда ҳосил бўладиган ҳар қандай патолргик жараёнга, яъни яллиғланишми ёки травматив жараённи синовиал қават унга жавобан экссудат ишлаб чиқаради. Ажралиб чиққан экссудат бўғимдаги синовиал суюқлик билан қўшилиб, яъни ўзига хос иммунобиокимёвий ва гистокимёвий хусусиятга эга бўлади, бу эса патологик жараённинг характериға, босқичига ва даражасига боғлиқ бўлади (В.Н. Павлова, 1980; В.М. Чепой, 1990).

Шунинг учун ҳам олинган экссудатни оддий текшириш ҳам яллиғланиш жараёнини нг кечиш характери тўғрисида тўлиқ тушунчага эга бўлишига имкон беради (К.И. Шакалов, 1952).

Бўғимдан олинган суюқликнинг тиниқлиги, ёпишқоклиги, тўқималар, унинг сифати, яллиғланиш жараёнининг кечиши ва микроблар текширилади . Яллиғланиш жараёнида бўғим синовияси тиниқлигини йўқотади (П. Гринаф ва бошқ., 1976), суюқликнинг хиралашуви яллиғланиш жараёнининг кучайишидан далолат бериб, бунда лейкоцит ва фибрин ипирлари кўпайишидан дарак беради (М.Г. Астапенко, В.П. Павлов, 1973). Асептик артритларда П. Гринаф ва бошқалар (1976) фикрига кўра лейкоцитлар сони 1мм^3 да 3000 тагача етиши таъкидланади, соғлом йирик шохли ҳайвонларда 1мм^3 да 68, 8 тадан 246 тагача бўлиши қайд қилинган.

Синовиал суюқлигининг ёпишқоқлиги гиалуронат миқдорининг фоизига боғлиқ бўлиб, асептик артритларда бу миқдор сақланиб қолган бўлади (М.Г. Астапенко, В.П. Павлов, 1973).

Муцин таначаларининг ҳосил бўлиши, оксил-полисахарид ивиқлари пролиферацияси даражасига ва муцин концентрациясига боғлиқ бўлиб (М.Г. Астапенко, В.П. Павлов, 1973), асептик яллиғланишларда нормада, яъни каттиқ ҳолатда бўлиб, атрофида тиниқ суюқлик бўлади.

Йирик шохли ҳайвонлар синовиал суюқлигида ўртача 0,63 г% оксил бўлиб (М.В. Плахотин 1977), асептик артритларда умумий оксил миқдори 3 бараварга ошади (Н.Karatzias et al., 1986). Йирик шохли ҳайвонлар асептик артритларида синовиал суюқлигидаги лактат миқдорининг озроқ ошиши аниқланган .

Н.Ф. Запорожец (1969) асептик артритларда синовиал суюқлигида фосфор, кальций, мис, маганец, никел ва титаннинг кўпаишини, хромнинг камайишини, молибден ва кумушнинг бўлмаслигини, форсфор ва кальций нисбати 2,6 га тенг бўлишини аниқлаган.

Артритларда қондаги биокимёвий текширишлар фақатгина организмда яллиғланиш жараёнларининг кечаётганлигидан дарак бериши мумкин, лекин у махсус бўлмаган ҳолда абсолют хусусиятга эга (М.Г. Астапенко, 1984).

В.В.Мосиннинг (1975) маълум қилишича, пирофосфат кальций кристаллари кўпинча тоғайларда тўпланади, уларнинг бўғин бўшлиқларига тушиши унинг яллиғланишига сабаб бўлади. Касаллик моно ёки олигоартрит кўринишида ривожланиб, кўпинча тизза бўғини жароҳатланади. Кечишига кўра подаграга ўхшаганлиги учун касалликни кўпинча «псевдо подагра» деб ҳам аташади.

Пирофосфатли артропатия унчалик кучли бўлмаган, лекин доимий оғриқ билан остеоартрозга ўхшаш кечганлиги учун «Псевдо остеоартроз» деб ҳам аталади.

В.В.Мосиннинг (1975) таъкидлашича, подагра – бўғинларда ва бошқа тўқималарда пуринли асосларни ва сийдик кислоталари метаболизмининг бузилишидан ҳосил бўладиган уратлар кристалларининг тўпланиб қолиши касаллигидир.

Пурин асосли моддалар алмашинувининг бузилишларига бу жараёнларни бошқариб турувчи ферментлар фаоллигининг туғма ёки орттирилган етишмовчиликлари сабаб бўлади. Подагранинг ривожланишида қондаги сийдик кислотаси миқдорининг кўпайиши асосий звено ҳисобланади. Бунга пурин асосли моддалар парчаланишининг кўпайиши ёки буйраклар орқали сийдик кислоталарининг экскрециясининг ёмонлашуви сабаб бўлади. Микрочристалларнинг бўғин бўшлиқларига тушиб туриши ўткир яллиғланиш реакциясига сабаб бўлади.

Таҳлил қилинган адабиёт маълумотлари шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалик ҳайвонларида учрайдиган артритларнинг келиб чиқиш сабаблари, патогенези, диагностикаси кенг ўрганилган бўлсада, бизнинг ҳудудда боқиладиган қишлоқ хўжалик ҳайвонлари асосан қорақўл қўйлари ва отларнинг артритларини келтириб чиқарувчи экологик омиллар, уларнинг кечиш хусусиятлари ва диагностикасини тўлиқ очиб беролмайди.

2.2. Асептик бўғим касалликларининг хайвонларда учраш даражаси ва ўзига хос хусусиятлари.

Бўғим деб, иккита ёки ундан ортиқ суякларнинг бир-бирига мос келиб ўзаро ҳаракатчан бирлашишига айтилади.

Бўғимлар суякларнинг бирикишига қараб қўйидагиларга бўлинади.

1. Оддий – 2 суякдан иборат (бармоқ, елка, тирсак ва тос-тос бўғинлари).

2. Мураккаб – бир неча суякдан иборат (тизза, билагузук бўғини ва бошқалар).

Бўғимлар ҳаракатига қараб қўйидаги хилларга бўлинади.

1. Бир ўқли.

2. Икки ўқли.

3. Кўп ўқли.

Бўғимнинг асосий элементлари: суякларнинг эпифизар ва метафизар учлари, бўғим тоғайлари, бўғим фиброзли капсуласи, боғламлар, синовиал қават, синовиал суюқлик, нерв, қон ва лимфа томирлари, периартикуляр юмшоқ тўқималардан иборат.

Бўғим капсуласи суяк устки пардасининг бевосита давоми бўлиб, икки қаватдан иборат:

1. Ташқи фиброзли қават

2. Синовиал қават

Олдинги ва кейинги оёқ суякларининг бўғимлари қўйидаги ҳаракатларни: букиш, ёзиш, узатиш, йиғиш, буриш ва айлантериш ҳаракатларини бажаради.

Болдир- ошиқ бўғимининг ўткир серозли синовити.

Отлар кейинги оёғига тўлиғича таянмайди, уни ярим букилган ҳолатда ушлаб туёқ учига енгил суянади. Бўғим атрофини пайпаслаганда

чегараланган, иссиқ ва оғриқли флюктуация берувчи шиш борлиги аниқланади. Ҳаракатланганда енгил ёки оғирроқ таянч оқсаш кузатилади.

Итлар касал оёғига умуман таянмайди, бўғимни пассив ҳаракатлантириб текширганда, кескин ҳимоя реакцияси кузатилади.

Бу касалликни сурункали серозли ва йирингли синовит, йирингли артрит, бўғим эмпиемаси, капсулали ва параартикуляр флегмонадан дифференция қилинади. Бунинг учун бўғимда артропункция ўтказилади, лозим операция майдони тайёрланиб, шприц ва игна ёрдамида 2 та тоза пробиркага 5 мл дан суюқлик олинади. Бир вақтнинг ўзида солиштириб кўриш учун соғлом бўғимдан ҳам суюқлик олиниб (ранги, консистенцияси, чўзилувчанлиги, ёпишқоқлиги) текширилади. Касал бўғимдан олинган синовиал суюқлик анча суюқ консистенцияли, лойқали, кам чўзилувчан ва кам ёпишқоқли бўлади. Пунктатларга 5% ли уч хлорли уксус кислотаси кўшиб (1мл) енгил аралаштирилади. Соғлом бўғимдан олинган суюқликда эритмада сузиб юрувчи оқимтир лахта ҳосил бўлади, касал бўғимдан олинган суюқликдаги оқимтир лахта пробирка остига чўкади. Олинган маълумотлар асосида диагноз қўйилади.

Даволаш. Тинчлик, новокаинга гидрокартизон кўшиб қамал қилиш, қисувчи боғлам, совуқ, 2-3 кундан кейин иситувчи компресс, парафинли аппликация, кейинчалик массаж, сўриб олувчи малҳамлар, бўғимга қаттиқ боғламлар қўйилади.

Артроз. Бўғимларнинг яллиғланишсиз кечадиган сурункали касаллигидир. Суяк ва тоғайда дегенератив-дистрофик ўзгаришлар ва бўғим деформацияси кузатилади. Кўпинча сакраш бўғимида ривожланади. Келиб чиқиши тўғрисида ягона фикр йўқ. Кўпинча витамин-минерал модда алмашинувининг бузилиши, рахит, остеомалация, ва бошқалардан ҳосил бўлади.

Артрознинг бошланиши тоғайнинг аста-секинлик билан емирилиши билан характерланади. Тоғай кулранг-сарғиш ёки жигар ранг-сарғиш

бўлади. Суяк тоғайлари емирилгандан сўнг суяк юзалари ўзаро ишқаланади ва силлиқ бўлиб қолади. Кейинчалик суякда остеосклероз бошланади. Бўғим ёриғи тораяди. Периартикуляр тўқималарда ўзгаришлар унча ривожланмайди.

Клиник белгилар. Биринчи босқичда яққол ўзгаришлар йўқ. Рентген расмларда бўғим четларида ўткир учли суяк ўсмалари, доғли остеопарез кўринади.

Иккинчи босқичда бўғим функцияси бузилади. Оқсаш, оёқларни навбатма навбат алмаштириб босиш, ёриқнинг торайиши, ўсмаларнинг кўпайиши кузатилади.

Учинчи босқичда яққол клиник-рентгенологик ва патоморфологик ўзгаришлар кузатилиб бўғим шакли бузилган бўлиб, оғримайди.

Даволаш. Махсус даволаш усули ишлаб чиқилмаган. Моддалар алмашинуви тикланади. Озуқаларга витамин А,Д, фосфат кальций, балиқ мойи аралаштирилади. Парафин ва озокерит аппликациялари, У.Б.Н. кўлланилади.

Анкилоз. Бўғим атрофи ёки ўзида яллиғланиш ривожланиши натижасида унинг ҳаракатсизланиб қолиши (қотиши).

Анкилозлар асосан бўғим касалликларининг иккиламчи кўринишидир. Амалиётда фиброзли, тоғайли ва суяклашувчи анкилоз кузатилади. Тўқиманинг жойлашиши бўйича бўғимдан ташқи, капсуляр ва бўғим ичи бўлиши мумкин. Чин ва қалбаки бўлиши мумкин. Чин анкилозда бўғим ёриғи битиб қолади.

Даволаш. Бўғимни букиш ва ёзиш билан ёпишган жойларини ажратиш ва тўқималар эластиклигини тиклаш мумкин. Суяклашувчи анкилозда даволаш фойдасиз. Оқсашда спирт, новокаин ўтказувчан қамали қилинади.

Гемартроз – бўғинга қон қуюлиши бўлиб, шикастланиш, дисторзия, бўғин чиқиши, бўғиннинг ёпиқ синиши натижасида келиб чиқади.

Клиник белгилари. Касал оёқ букилган ҳолатда, туёқ учига енгил таянади. Бўғим ҳажми кенгайган, бўғим капсуласи таранглашган бўлади. Пальпация қилинганда ҳайвон кучли оғриқ сезади, фибринозли крепитация эшитилади. Ҳайвон ҳаракатланганда таянчли оқсаш, артропункция қилинганда қон ва синовиал суюқлик аралашмаси бўлади.

Даволаш. Асептик гемартроз, суяк синмаган бўлса 1 чи ва 2 чи кунлари совуқ ва қисувчи боғламлар, 3 чи кундан бошлаб шикастланган бўғимнинг устки қисмида массаж, иссиқ муолажалар, кам-кам юргизиш, новокаинли қамал қилинади. Суяк синишидан гемартроз келиб чиққан бўлса гипсли боғлам, новокаин антибиотикли қамал ўтказилиб, инфекция ривожланишининг олди олинади.

1. Толиқиш. От оғир ва узоқ давом этадиган ишни бажарганда толиқиши мумкин. Бунда ҳайвонда умумий чарчаш белгилари, иштаҳанинг бўлмаслиги ва машқни давом эттиришга мойиллиги йўқлиги кузатилади. Ҳайвонга дам бергандан сўнг юқорида қайд этилган ҳолатлар йўқолади ва отни қайта тренинга қўйиш мумкин бўлади.

Зўриқиш. Отлар қисқа вақт ичида физиологик имкониятлардан ҳам юқори бўлган жуда оғир ишни бажарганда зўриқадилар. Зўриқиш натижасида мускул, пай, боғламларнинг чўзилиши ва яллиғланишлари ҳосил бўлади ва миокард дистрофияси ривожланади. Одатда зўриқиш яхши тайёрланмаган отларда кўп маротаба такрорланадиган оғир ишларни бажаришда кузатилади яъни бундай ҳолат катта мусобақалар ва нотўғри ташкиллаштирилган машқларни бажаришда ҳосил бўлади. Зўриқиш от кучининг пасайиб кетишига, ўпка ва юрак фаолиятининг бузилишига олиб келади. Ҳайвон тез ишдан чиқади ва ҳатто ўлиши мумкин.

От зўриқишида қуйидаги белгилар кузатилади: унинг юрак уриши тезлашади, нафас олиши қийинлашади, бурун катаклари кенгайди, тери ости веналар тўлишган бўлиб яққол кўринади; бурун шиллиқ пардаси кўкимтир рангда, конъюнктиваси шишган, гиперемияга учраган бўлиб, сарғиш тусга

киради. От терлайди унинг оёқлари калтирайди, боши пастга ҳам туради, мускулатураси бўшашган бўлади. Ҳайвон сувни кам ичади ва озукани истеъмол қилмайди.

Спорт отининг ишчанлигини тиклаш учун унга B_1 , B_2 , B_{12} витаминлар билан глюкоза, кальций глицерофосфати, натрий хлориди, натрий бикарбонати эритмалари юборилади. Отни ҳар кунги машқлардан озод қилиб унга тўлиғича тинч шароит яратиш лозим. От оёқларининг пайлариди совуқ муолажалар ва массаж бажарилади кейин пахта – докали боғлам қўйилади. Оёқлардан тер артиб ташлангандан сўнг мускулларига ментол эмульсияси суртилади ва кейин мураккаб малҳам сурилади. Отга янги ўрилган ўт ва сабзи бериш, актив ҳаракатларни бажартириш тавсия этилади.

Микротравмалар. Яққол намоён бўладиган шикастлардан ташқари отда мусобақа ва машқ даврида орттирилган кичик, биринчи пайтларда хавф келтирмайдиган шикастлар ҳам учраб туради. Аммо тез-тез такрорланадигин механик таъсирларда бу, биринчи кўринишда енгил шикастлар кейинчалик қайталайдиган патологик жараёнларга айланишлари мумкин. Бундай шикастларга билакузук, тушоқ соҳаларидаги шикастланишлар, алоҳида мускул гуруҳлари, пай ва боғламларнинг зўриқиши киради.

Микротравмалардан келиб чиқадиган асоратлар қуйидагича кечади:

а) кўпинча бармоқ букувчи юза пайи ва кўкрак оёқларининг ўрта суяклараро мускул пайларининг чўзилишлари кузатилати. Чўзилишлар ҳар хил катталиқдаги тўқималарнинг зичлашиши билан кечади. Маҳаллий ҳарорат ошади, оғриқ ва оқсаш аломатлари пайдо бўлади.

б) бўғимлар чўзилиши кўпинча билакузук, тушоқ ва сакраш бўғимларида пайдо бўлади. Бўғим атрофи шишади, шакли бузилади, маҳаллий ҳарорати ошади, оғриқ сезилади ва бўғим ҳаракатчанлиги сусаяди. Одатда, даволаш ишлари кечиктирилса жараён гемартрозга айланади.

Травматик шок. Шокга йирик шикастланиш ёки қаттиқ йиқилишлар сабаб бўлиши мумкин. Шокда 5-7 мл 2 % ли промедол эритмаси ва 10 мл

20 % ли кофеин, 20 мл камфора қўлланади. Чуқур шок белгиларида вена ичига 40 % ли глюкоза эритмаси билан (200-300 мл) аскорбин кислотаси, 500-600 мл Петров суюқлиги, 500-600 мл натрий бикарбонати, Кадиков суюқлиги юборилади.

Юклатилган ишнинг оптимал миқдорида соғлом от организмидаги биологик жараён нерв ва эндокрин системалар ҳисобидан ўз-ўзидан тикланади. Аммо от спортида организм функцияларининг тикланиши кўпинча чўзилиб кетади, шунинг учун тикланишни тезлаштирадиган чоратadbирлар кенг қўлланади. Шу мақсадда М.Ю. Алексеев қуйидагиларни тавсия қилади:

а) толиқтирадиган машқ ва мусобақаларда ҳамда ҳаддан зиёд машқ қилдирилиш аломатларида тикланиш жараёнларини тезлаштириш мақсадида оғиз орқали янтар ва глутамин кислоталари 30 - 40 граммдан 4 кун мобайнида берилади.

б) машқ юкламасига от организмининг реакциясини кучайтириш учун стартдан олдин 20-25 мл 1% ли АТФ инъекциялари қилинади.

в) машқ жараёнида зўриқишни аниқлаш мақсадида ишдан олдин ва 1 соатдан кейин қонда (лимфоцитларда) глутамат дегидрогеназаси ва лактат миқдорлари аниқланади.

III. АСОСИЙ ҚИСМ

3.1. Илмий тадқиқот натижалари, таърифи ва таҳлили

Илмий текширишлар ва тажрибалар Самарқанд қишлоқ хўжалик институти, ветеринария, зоотехния ва қоракўлчилик факультетининг «Ҳайвонлар анатомияси, физиологияси, жарроҳлиги ва фармакология» кафедрасида вилоят отчопарлик корхонасида, клиникада қабул қилинган касал ҳайвонларда ва Самарқанд вилоят шифохонаси лабораторияларида ўтказилди.

Туёқ бўғими асептик яллиғланишлари билан касалланган отлар ажратилиб, уларда қоннинг гематологик ва патологик жараённинг жойлашган жойи ва ўзгаришлари текширилди, уларни даволаш мақсадида хондролон дорисини таъсирини таққослаб ўрганилди.

Бугунинг учун ажратилган 6 бош ҳайвонлар 2 гуруҳга ажратилиб, уларга қуйидаги муолажалар қўлланилди.

Бунда биринчи гуруҳ ҳайвонлари анъанавий усулларда, яъни парафин аппликацияси, учувчи линимент қўлланилиб, 0,5 % ли новокаин+ гидрокортизон бўғим ичига ва 0,5 % ли новокаин ва гентамицин антибиотиғи бўғим атрофига юборилди.

Иккинчи тажриба гуруҳи ҳайвонларида ҳам анъанавий даволаш усуллари қўлланилди. Қўшимча хондролон дориси бўғим ичига юборилди. Иккала гуруҳда ҳам даволаш муолажаси ҳар куни қўлланилиб борилди

Икки гуруҳдаги ҳайвонлар бир хил шароитда сақланди ва озиқлантирилди. Организмга хондролон дориси таъсирини таққослаб ўрганиш мақсадида тажрибадаги отлар тажрибаларнинг бошида ва хондролон дориси юборилгандан кейин 5 – 10 – 15 – 25 кунлари клиник текширишлардан ва улардан олинган қон намуналари морфо-биокимёвий кўрсаткичлар бўйича лаборатор текширишдан ўтказилди.

3.2. Бўғимларнинг анатомо-топографик тузилиши.

Кафт суяклари – ossa metacarpi узун, най шаклида бўлиб, секин-аста рудиментлашмоқда, чунки ўтмишдаги ҳайвонларда 5та кафт суягидан ҳозирги бир туёқларда 3 таси қолган, уларнинг ҳам II – IVлари рудиментлашиб бормоқда. III кафт суяги жуда ҳам яхши ривожланган. Кафт суякларининг юқориги юзасида билагозук суякларига бирлашиш учун бўғим майдончаси – *fecies articularis carpi* бўлса, пастки қаторида блок – *trochlea metacarpi* орқали биринчи бармоқ билан бирлашади.

Қавш қайтарувчи ҳайвонлар кафт суягининг III – IVлари бирлашиб, най шаклидаги битта суякни ҳосил қилади. Булар ёш ҳайвонларда аниқ кўриниб туради, ҳатто ёш ҳайвонларда бу суякларни юпқа пластинка ажратиб туради. Кафт суягининг пастки қисмида иккита блок бўлиб, улар III – IV бармоқ суякларига бирлашади. Юқориги қисмининг ички юзасида кафт суяги бирлашиши учун чуқурча бўлади.

Чўчқаларнинг кафт суяги тўртта: II – III – IV – V суяклардан иборат. Биринчи кафт суяги бўлмайди. Булардан III – IVлари кучли ривожланган, қолган II – Vлари бир оз қисқароқ бўлиб, ерга тегмайди. III – IV асосий кафт суяклари узун, уч қиррали бўлади.

Отларнинг кафт суяги учта: II – III – IV суяклардан иборат. Учинчиси кучли ривожланган, II – IVлари рудимент шаклидаги найза суяклардир. III кафт суягининг юқори қисми текис, лекин юқори олд юзасида нотекис жойи – *tuberositas metacarpi* бўлиб, унга билак суягининг ёзувчи мускули бирлашади. II – IV кафт суяклари грифель суяклар дейилади. Бу суякларнинг юқори томони йўғонроқ, пастки томони эса ингичка бўлади.

Бармоқ суяклари – ossa digitorum ҳар қайси бармоқда уч буғимдан иборат бўлади. Биринчи бармоқ суяги тушоқ, иккинчиси юмалоқ ва учинчиси туёқсимон суяк дейилади. Биринчи бармоқ суяги – *phalanx prima* узунроқ най шаклида, юқори томонида асосий қисми ва *basis phalanx*, унда кафт суягининг пастки блоки жойлашиши учун бўғим чуқурчалари – *fecies*

articulārī metacarpi бўлади. Пастки томонида узунасига кетган арикча – *salvus phalangis* билан бўлинган блоки бор.

Кавш қайтарувчи ҳайвонлар ва чўчқаларда III – IV бармоқ бир хил, II – V бармоқлар эса кичикроқ бўлади. Отларнинг бармоқ суяклари бир оз узунроқ, бўғимларининг ёнидаги пай бирикувчи бўртиклар яхши ривожланган бўлади. Иккинчи бармоқ суяклари – *phalanx secunda* бошқа суякларга қараганда юмалоқроқ, юқори юзасидаги арикчасимон бўғим юзаси – *fecies articulārīs*нинг пастки томонида ярим шарсимон блок бор. Кавш қайтарувчи ҳайвонлар ва чўчқаларда иккинчи бармоқ суяклари ассиметрия бўлади.

Учинчи бармоқ суяклари – *phalanx tertiā* олдинги оёқ суякларининг энг охиргиси ҳисобланиб, турли ҳайвонларда ҳар хил шаклда бўлади. Бу кавш қайтарувчи ҳайвонлар ва чўчқаларда туёқча, отларда туёқ, панжали ҳайвонларда тирноқ дейилади.

Кавш қайтарувчи ҳайвонлар ва чўчқаларнинг туёқ суяги бир бирига ўхшаш. Туёқ суягининг ости товон, усти девор қисмлари дейилади. Туёқ суягининг четида ён ва остида товон қисмлари бўлади. Юқори томонда иккинчи бармоқ суягининг блоки кириб туриши учун бўғим чуқурчаси бор. Товон юзасида букувчи дунглик – *tuberositas flexoria* бўлиб, унга бармоқларни букувчи чуқур мускул бирлашади. Отларда туёқ суяги девор ва товон қисмларига бўлинади. Бўғим юзасининг олдинги қисмида ёзувчи ўсимта – *processus extensorius* бўлиб, у ёзувчи бармоқ мускулини тутиб туриш учун хизмат қилади. Товон юзаси – *fecies soleare*га букувчи бармоқ мускул бирлашади. Унинг ҳар иккала ён қисмида тешик – *foramen soleare* бўлиб, ҳар иккала тешик ўртасида ярим доира канал – *canalis semicircularis* бор. Девор юзаси – *fecies parietalis*да қон томирлари ўтадиган бир қанча тешикчалар бўлади.

Кунжутсимон суяклар – *ossa sesamoidea* қисқа юмалоқ суяклардан иборат бўлиб, улар мускуллар ишида ёрдамчилик вазифасини бажаради.

Биринчи бармоқнинг кунжутсимон суяги – ossa sesamoidea phalanx prima иккинчи жуфт бўлиб, улар кафт, тушоқ суяклари бўғимларининг орқа томонида жойлашади. Бу суякларда бирлашувчи бўғим юзалари бўлади.

Кавш қайтарувчи ҳайвонлар ва чўчқаларнинг ҳар қайси бармоғида бир жуфтдан кунжутсимон суяк бор. Отларда бир жуфт кунжутсимон суяк бўлиб, улар учбурчак шаклдадир.

Бундан ташқари, туёқ суягининг орқа юзасида учинчи бармоқнинг кунжутсимон суяги – ossa sesamoidea phalanx tertia бор. Улар ҳар қайси бармоқда биттадан бўлади. Бу суяк бир туёқлиларда мокисимон суяк деб ҳам аталади. Кавш қайтарувчи ҳайвонлар ва чўчқаларда кунжутсимон суяк тўртбурчак шаклда бўлади.

Кафт бармоқ бўғими – articulation metacarpi phalangea кафт суякларининг пастки учи билан биринчи бармоқ суягининг юқориғи бўғим юзасидан ҳосил бўлган. Бу бўғимда ҳам бўғим капсуласи – capsula articularis бўлади. Бўғимни бириктирувчи ён ва ўрта пайлари – ligamentum collaterale laterale et mediale бўлиб, улар бўғимни ён томонлардан бирлаштиради. Бу бўғимнинг орқа томонида кунжутсимон (седанасимон) суяк борлиги сабабли унинг бирикиши учун ҳам бир қанча пайлар бўлади:

1. **Кунжутсимон суяклараро пай** – ligamentum intersesamoideum ҳар иккала кунжутсимон суякни бир-бирига бирлаштиради;

2) **Кунжутсимон суяклараро пай** – ligamentum sesamoideum laterale уларни ён томондан бирлаштиради;

3) **Кунжутсимон суякнинг кесишган (бутсимон) пайи** - ligamentum sesamoideum cruciata унинг пастроқ қисмида кесишган ҳолатда жойлашади;

4) **Кунжутсимон суякнинг орқа томондаги калта пайи** - ligamentum sesamoideum volaris brevia уни биринчи бармоқ суяги билан бирлаштиради. Кавш қайтарувчи ҳайвонларнинг бўғим капсуласи орқа томондан бир-бирига қўшилган бўлади. отларда қийшиқ пай – ligamentum sesamoideum obliquum кунжутсимон суякдан қийшиқ ҳолатда тушади.

Қийшиқ, пайларнинг ўртасида битта тўғри пай - *ligamentum sesamoideum rectum* бўлиб, у I ва II бармоқ бўғимларигача етиб келади.

II бармоқ ёки тос суяк бўғими – *articulation phalanx sesunda* биринчи бармоқ суяги бошчаси билан иккинчи бармоқ суяги асосидан ҳосил бўлган. Бу бўғимда ҳам капсула – *capsula articularis* ва ён томон ҳамда ўрта пайлар – *ligementum collaterale laterale et mediale* бўлади. Булардан ташқари, кавш қайтарувчи ҳайвонларда II бармоқнинг орқа юзаси пайи – *ligamentum volare* ҳам бўлиб, у III ва IV бармоқларга боради. Отларда жуфт орқа юзаси пайлари бўлади.

III бармоқ бўғими (туёқсимон суяк) – *articulation phalanx tertiae* II бармоқ билан III бармоқ суякларидан ҳосил бўлади. Бу бўғимда ҳам капсула – *capsula articularis* ва ён томон ҳамда ўрта пайлар - *ligementum collaterale laterale et mediale* бор. III бармоқ бўғимининг орқа томонида моқисимон суяк бўлади. Бунда ҳам бўғим капсуласи ва ён пайлари II бармоқ суягига бирикади.

Туёқли ҳайвонларда моқисимон суяк туёқ билан қопланган. Отларда моқисимон туёқ пайи - *ligementum phalanx sesamoideum* бўғим капсуласига ўхшаш бўлади. кўп бармоқли ҳайвонларда бармоқлараро пай II ва IV бармоқ оралиғида (кавш қайтарувчилар ва чўчқаларда) бўлади. Чўчқалар ва кавш қайтарувчиларнинг III- IV бармоқлари оралиғида кесик кунжутсимон бармоқ пайи - *ligementum phalango sesamoideum cruciatum* бўлади. туёқчалараро кесишган пай – *ligementum interdigitale cruciatum* III-IV бармоқлар оралиғида жойлашади. Чўчқаларнинг II-V ён бармоқларида юқориги бармоқлараро пайи - *ligementum interdigitale proximale* биринчи бармоқнинг устки юзасида бўлади.

Бармоқ бўғимларининг мускуллари

Бу группага тўртта мускул киради, улардан икkitаси ёзувчи мускуллар бўлиб, оёқнинг устки юзасида, қолган икkitаси эса букувчи мускуллардир. Булар оёқнинг орқа юзасида жойлашади.

Ёзувчи мускуллар – экстензорлар

Бармоқларнинг умумий ёзувчи мускул – *m. extensor digitalis communis* узун бўлиб, тирсак бўғимидан туёқсимон суяккача боради. Мускулнинг юқори қисми пай толалар аралаш гўштли, билагозук бўғимидан пастки қисми эса пайга айлангандир. Бу мускул елка суягининг ёзувчи тўпиғидан бошланиб, ҳар хил ҳайвонлар панжасининг тузилишига қараб, тармоқланиб тугайди. Бундай мускул кавш қайтарувчи ҳайвонларда III бармоқ туёқсимон суякларига, чўчқаларда уч бошга бўлиниб, ўртадаги елка боши II бармоққа, кейинги икkitаси пайга айланиб, III – IV бармоқларга, кучсизроқ боши эса V бармоқларга, бир туёқлиларда туёқсимон суякнинг ёзувчи ўсимтасига бориб тугайди. Кўп бармоқлиларнинг ҳар қайси бармоғида мускул билагозук бўғимининг устида синовиал пай қинга ўралган бўлади.

Бармоқларни ён томонда ёзувчи мускул – *m. extensor digitalis lateralis* кавш қайтарувчи ҳайвонларда тирсак ва билак суякларининг юқори қисмидан бошланиб, бармоқларни умумий ёзувчи мускулнинг ён томонидан оёқнинг пастки томонига тушади ва II ҳамда IV бармоқларнинг учинчи бўғимида умумий ёзувчи мускулларга қўшилади. Чўчқаларда тирсак бўғимининг ён қисмидан бошланиб, бармоқ суякларининг IV-Vда тугайди. Бир туёқли ҳайвонларда ҳам тирсак бўғимидан бошланиб, бармоқ бўғими суякларининг Iси устида бармоқларни ёзувчи мускулга қўшилиб кетади.

Учинчи бармоқни ёзувчи махсус мускул – *m. extensor digiti tertii proprius* кавш қайтарувчи ҳайвонларда елка суягининг ён тўпиқсимон бўртигидан бошланиб, учинчи бармоқнинг бўғим суякларида тугайди.

Чўчқаларда иккинчи бармоқни ёзувчи махсус мускул ҳам бўлади, улар кўпинча кафт суякларининг устида тугайди.

Букувчи мускуллар – флексорлар

Бармоқни букувчи юза мускул – *m. flexor digitalis superficialis* яхши ривожланган бўлиб, елка суягининг ўрта дўмбоғидан бошланади ва билагозук бўғими томон тушади. Бу мускул иккита: юза ва чуқур бўлимдан иборат. Юза бўлимининг пай қисми билагозук бўғимидан ўтиб, кафт суяги томон йўналади. Чуқур бўлимида бир қанча мускул элементлари бўлиб, улар бармоқларни букувчи чуқур мускулга ва суяклараро мускулга қўшилади, кафт суягининг ўртароқ қисмида яна иккига ажралиб, учинчи ҳамда тўртинчи бармоқларга боради. Тушоқ суяк бўғими устида ҳар бири яна икки қисмга бўлинади. шундан иккитаси III бармоқнинг юмалоқ суякларига, иккитаси эса IV бармоқ суягига бирлашади. Бу пайлардан туёқсимон суякка ҳам тутамлар ўтади. Бу мускул чўчқаларда ҳам кавш қайтарувчи ҳайвонларникига ўхшаш бўлади.

Бир туёқли ҳайвонларда бу мускул анча ривожланган бўлиб, кавш қайтарувчи ҳайвонларники билан бир хил жойдан бошланади ва битта пайга айланиб, кейин икки қисмга бўлинади, улар туёқсимон суякнинг пастки юзасида тугайди. Отларда қўшимча пайсимон қисми ҳам бўлади, бу қисм тушоқ бўғими ва унинг пасткидаги бўғимни мустаҳкам сақлаш учун хизмат қилади.

Бармоқларни букувчи чуқур мускул – *m. flexor digitalis profundus* ҳам қишлоқ хўжалиги ҳайвонларида яхши ривожланган бўлиб, уч қисмга: елка суягига, билак ва тирсак суякларига боровчи қисмларга бўлинади. бу қисмларнинг ҳар қайсиси юқорида кўрсатилган суяклардан бошланади.

Елка қисми (боши) учта қоринчадан иборат бўлиб, елка суягининг ўрта дўмбоғидан бошланади. Кейинчалик улар бир-бири билан бирлашиб мустаҳкам пай ҳосил қилади. Бу пай тушоқ суягининг пастки қисмида иккига бўлиниб, III ва IV бармоқ суякларининг туёқсимон суягида тугайди. Бу

мускул чўчқаларда ҳам кавш қайтувчиларникига ўхшаш бўлади, лекин унинг пай қисми оёқнинг учига яқинлашганда бармоқларга бўлиниб кетади. Бир туёқли ҳайвонларда ҳам уч қисмга бўлинади, унинг охириги учи туёқсимон суякнинг букувчи юзасидаги чуқурчада тугайди.

Олдинги ва кетинги оёқларда қисқа мускуллилиқ хусусиятини бутунлай йўқотиб, пайга айланган суякларо қисқа мускул – *m. interosseus medius* бўлади. Бу мускул кафт суягининг орқа юзасида суяклар орасида суякка ёпишган ҳолда жойлашади. Бу мускул кавш қайтарувчи ҳайвонларда уч тармоққа: ён, ўрта томон ва ички юза тармоқларига бўлинади. Булардан ён ва ўрта томон тармоқлари биринчи бармоқнинг кунжутсимон суягига, ички юза тармоғи эса биринчи бармоқнинг бармоқларо ён пайларига боради. Бир туёқли ҳайвонларнинг суякларо мускули жуда мураккаб бўлиб, II ва IV кафт суяклар оралиғида жойлашади. Ён ва ўрта томон тармоқлари анча нозик бўлади. бу мускул чўчқаларда гўштдор бўлиб, III ва IV бармоқларга боради.

Бармоқ бўғимларининг узун мускуллари

Кетинги оёқнинг бармоқларини тўртта узун мускул ҳаракатга келтиради, уларнинг иккитаси ёзувчи ва иккитаси букувчи мускулдир. Ёзувчи мускуллар оёқнинг олдинги юзасида жойлашади.

Ёзувчи мускуллар – экстензорлар

Бармоқларнинг умумий ёзувчи мускули – *m. extensor digitalis longus* ҳамма ҳайвонларда жуда яхши ривожланган бўлиб, сон суягининг пастки қисмидаги чуқурчадан бошланади ва иккита мускул қоринчасидан иборат бўлади. Бу қоринчалар бир-бири билан фасция орқали бирлашади. Ҳар қайси мускул қоринчасининг пайлари бўлиб, улар болдир суяги юзасидан ва кафт суягининг олдинги томонидан ўтиб, бармоқ суяклари томон тушади. Бу пайлар бармоқларни ён томонга ёзувчи мускул пайларига яқинлашиб, ҳалқасимон пай билан ўралади.

Ўрта қисмида жойлашадиган пай кафт суягидан ўтиб, I ва II бармоқ бўғим суяқларига боради ва II бўғимнинг устки томонида тугайди. Ён томон мускул пайи эса бармоқ бўғимларига бориб, III ва IV бармоқларнинг туёқсимон суяги ўсимтасида тугайди. Чўчқаларда бу мускул сон суягининг ён дўмбоғидан бошланиб, учта мускул пайига бўлинади ва II-III- IV-V бармоқларнинг туёқсимон суягида тугайди. Бир туёқлиларда пайларга бўлинмасдан, туёқсимон суякнинг ёзувчи ўсимтасида тугайди. Бу мускулнинг кафт қисмида бирлаштирувчи кўндаланг учта пай бўлади. мускулнинг бошланиш қисми остида синовиал халтача бор. бўғимлар устидан ўтадиган жойида ҳам синовиал халтачалар бўлади. бу мускул, асосан, бармоқларни ва тизза бўғимини ёзиш учун хизмат қилади.

Бармоқларни ён томонда ёзувчи мускул – *m. extensor digitalis lateralis s.m. extensor proprius* кавш қайтарувчи ҳайвонларда болдир суягининг ён томони юзасида жойлашади. Болдир суягининг юқори ён дўмбоғидан бошланиб, IV бармоқ суягининг II бўғимида тугайди. Мускул пайга айланган жойгача болдир суягига ёпишиб туради. Товон бўғимининг атрофида синовиал қинга ўралган бўлади. чўчқаларда бу мускул тизза бўғимининг ён пайдан бошланади ва иккита қоринчага бўлиниб, бири V- бармоқни, иккинчиси эса IV- бармоқни ёзиш учун хизмат қилади ва шу бармоқларда тугайди. Бир туёқли ҳайвонларда кичик болдир суягининг ён қисмидан бошланиб, III- бармоқни ёзишда қатнашади.

Букувчи мускуллар – флексорлар

Бу группага кирувчи мускуллар оёқнинг орқа томонида жойлашади ва иккита мускулдан иборат бўлади.

Бармоқларни букувчи юза мускул – *m. flexor digitalis superficialis* кучли, лента шаклида бўлиб, пай толаларга бойдир. Бу мускул болдир мускуллари остида, улар орасида жойлашади ва сон суягининг орқа чуқурчасидан бошланиб, товон суяги дўнгигача боради. Болдир суягининг ўртароқ қисмида пайга айланиб, ахиллис пайининг ҳам шу юзасидан ўтиб,

товон дўнги орқали кафт суягининг плантар юзасига тушади ва толалар орқали суяклараро мускулга қўшилиб, кунжутсимон суякнинг устки қисмида иккига бўлинади, учбурчак пластинка ҳосил қилиб, III ва IV бармоқларни II бўғими устида тугайди. Чўчқаларда сон суягининг пастки қисмидан бошланиб, кучли пайлар орқали III-IV бармоқларнинг ўрта бўғимида ва нозик пайлар орқали II-V бармоқларда тугайди. Бир туёқлиларда кавш қайтарувчиларникига ўхшаш, плантар чуқурчадан бошланиб, III- бармоқнинг I-II бўғимларида тугайди. Бу мускул бармоқ суяклари бўғимини букиш ва товон бўғимини ёзиқ холда тутиш учун хизмат қилади.

Бармоқларни букувчи чуқур мускул – *m. flexor digitalis profundus* ҳам яхши ривожланган бўлиб, болдир суяklarининг орқа юзасида жойлашади. Унинг учта боши бўлиб, катта болдир суягининг ён ва ўрта дўнгларида ҳамда болдир суяги бошининг орқа юзасидан бошланади. Ён томон юза ва чуқур ҳамда ўрта бошлари бошланишида мускул толаларидан иборат бўлиб, кейинчалик пайга айланиб кетади.

а) Ён томон юза боши ёки – болдир мускули – *m. tibialis posterior* лентасимон, юқори қисми кенг бўлиб, пастки қисми торайиб пайга айланади ва оёқ бармоқлари томон пастга тушади.

б) Ён томон чуқур боши – *m. flexor pallicus longus* анчагина ривожланган бўлиб, урчуқ шаклидадир. Бу мускул ҳам болдир суягининг ўртароқ қисмида пайга айланиб, товон суягининг орқа юзасидан бармоқ бўғимлари томон боради.

в) Ўрта томон юза боши - *m. flexor digitalis longus* ички юзасини қоплаган бўлиб, лента шаклидадир. Бу мускул ҳам пайга айланади ва товон суяklarининг ўрта қисмидан ўтиб, кафт суяги томон боради. Юқоридаги мускулларнинг пайлари бир-бирига қўшилиб, кунжутсимон суяклар устида ён ва ўрта тармоқларга бўлинади. улар пай найчаларга кириб, моқисимон суякка боради ва III туёқсимон суякнинг букувчи юзасида тугайди. Улар тугаган жойда шилимшиқ халтача бўлади. бармоқ бўғимларидан ўтиш

жойида ҳам синовиал халтага ўралади. Бу мускулнинг тузилиши чўчкалар ва бир туёқли ҳайвонларда ҳам кавш қайтарувчиларникига ўхшаш бўлади. мускул бармоқ суякларини букишда катта функция бажаради.

Бармоқларнинг кисқа мускуллари

Экстензор – m. extensor digiti pedis brevis кавш қайтарувчи ҳайвонларда жуда нозик, юпқа мускул пардасидан иборат бўлиб, кафт суягининг олдинги юзасида жойлашади. Бу мускул товоннинг ошиқ суягидан бошланиб, кафт суягига ва оёқни ёзувчи мускулларга ёпишган ҳолда туради. У ёзувчи мускулларга озгина ёрдамлашиб, бармоқларни ёзишга хизмат қилади.

Суяклараро ўрта мускул - m. interosseus medialis олдинги оёқларникига ўхшаш бўлиб, батамом пайга айланган, унинг тузилиши ва жойлашиши олдинги оёқлар мускули билан бир хил бўлади.

3.3.Отларда оёқ бўғинлари йирингсиз яллиғланишлари этиопатогенезининг айрим хусусиятлари.

Отларда учрайдиган оёқ бўғинларининг йирингсиз яллиғланишларини этиопатогенезини ўзига хос минтақавий хусусиятларини ўрганишга оид илмий текшириш ва тажрибаларимиз Самарқанд вилояти Самарқанд туманидаги “Тур-Орион” МЧЖ га қарашли ипподромида, Пастдарғом, Ургут, Булунгур туманлари, Жиззах, Тошкент, Қашқадарё, Сурхондарё ва Бухоро вилояти туманларидаги спорт ва кўпқарига қатнашадиган отларда ўтказилди.

Отларда кўпроқ бўғин касалликлари уларни нотўғри сақлаш, озиқлантириш ва фойдаланишдан келиб чиқади. Отларда бўғин касалликлари кўпроқ сурункали кечиб, ўз вақтида даволаш муолажалари қўлланилмаса, ойлаб иш қобилиятини йўқотади ва оқибатда хўжаликлар учун катта иқтисодий зарар келтиради.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда биз ўз илмий тадқиқот ишларимизда ва тажрибаларимизда асосан отларни сақлаш, озиқлантириш ва улардан фойдаланишда қўйиладиган камчиликларни ўрганиш ва уларни бартараф қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишни мақсад қилиб олдик. Текшириш учун шаҳарда, қишлоқ хўжалик ишларида, спорт ва кўпқарида фойдаланиладиган чўл, адир, тоғ олди ва тоғли ҳудудларда кўпайтирилаётган отлар ўрганилди.

“Тур-Ориён” МЧЖга қарашли ипподромида 67 бош отлар клиник текширишдан ўтказилганда, уларнинг 10 бошида турли бўғин патологияси билан касалланганлиги аниқланди ва бу 14,9 % ни ташкил этди. Шундан 3 бош отда (30 %) ўткир синовит, сурункали фибринозли синовит, 4 бош отда (40 %) ва 3 бош ҳайвон периартикуляр фиброзит билан касалланганлиги қайд этилди.

**Чорвачилик фермер ва шахсий хўжаликлардаги отлар орасида
йирингсиз бўғин касалликларининг учраш даражаси**

2-жадвал

т/р	Хўжаликлар номи	Текшир илган хайвон- лар сони	Касал- ланган хайвон-лар		Ўткир синовит		Сурункали синовит		Сурункали периарти- куляр фиброзит	
			сон	%	сон	%	сон	%	сон	%
1	Самарқанд вилояти Самарқанд тумани “Тур- Ориён” МЧЖ га қарашли ипподром	67	10	14,9	3	30	4	40	3	30
2	Пастдарғом “Гўзал”	10	2	20	-	-	1	50	1	50
3	“Файзулло”	13	3	23	-	-	1	33,3	2	66,7
4	“Жўра бобо”	7	2	28,6	1	50	-	-	1	50
5	“Азизжон”	15	4	26,6	1	25	1	25	2	50
6	Ургут тумани	22	4	18	-	-	2	50	2	50
7	Булунгур тумани	31	5	16,1	1	20	2	40	2	40
8	Жиззах вилояти	17	3	17,6	-	-	1	33,3	2	66,7
9	Тошкент вилояти	57	10	17,5	3	30	3	30	4	40
10	Қашқадарё	22	4	18,1	1	25	1	25	2	50

	ВИЛОЯТИ									
11	Сурхондарё вилояти	16	2	12,5	-	-	1	50	1	50
12	Бухоро вилояти	18	2	17,3	1	50	1	50	-	-
	Жами:	295	51	17,3	11	21,6	18	35,3	22	43,1

Пастдарғом туманидаги “Гузал” фермер хўжалигидан 10 бош от клиник текширилганда 2 бош ҳайвонда (20 %) турли бўғим касалликлари аниқланиб, шундан 1 бош (50 %) ҳайвонда сурункали синовит ва 1 бош (50 %) ҳайвонда сурункали периартикуляр фиброзит жараёни аниқланди. “Файзулло” фермер хўжалигидан 13 бош ҳайвон текширилганда уларнинг 3 бошида (23 %) бўғиннинг йирингсиз жараёнлари кечаётганлиги ва ундан 1 бош (33,3 %) отда сурункали синовит ва 2 бош (66,7 %) отда сурункали периартикуляр фиброзитнинг бошланғич босқичи мавжудлиги қайд этилди. “Жўра бобо” фермер хўжалигидан 7 бош ҳайвон клиник текширилганда 2 бош (28,6 %) ҳайвонда бўғин патологияси мавжудлиги аниқланиб, шундан 1 бош (50 %) ҳайвонда ўткир синовит ва 1 бош (50 %) ҳайвонда сурункали периартикуляр фиброзит борлиги кузатилди. “Азизжон” фермер хўжалигидан 15 бош ҳайвондан 4 бош (26,6 %) ҳайвонда бўғин патологияси кузатилиб, шундан 1 бош (25 %) ҳайвонда ўткир синовит, 1 бош (25 %) ҳайвонда сурункали синовит ва 2 бош (50 %) ҳайвонда эса сурункали периартрикуляр фиброзит жараёни кечаётгани аниқланди.

Шунга ўхшаш клиник текшириш ишлари Ургут тумани шахсий хўжаликларида 22 бош ҳайвонда ўтказилганда 4 бош (18 %) ҳайвонда бўғин патологияси кузатилди, ундан 2 бош (50 %) ҳайвонда сурункали синовит ва 2 бош (50 %) ҳайвонда эса сурункали периартикуляр фиброзит жараёни кечаётганлиги қайд этилди. Булунгур тумани шахсий хўжаликларидан 31 бош ҳайвондан 5 бош (16,1 %) ҳайвонда турли бўғин касалликлари

мавжудлиги аниқланиб, бунда 1 бош ҳайвонда ўткир синовит ва бу умумий бўғин патологиясининг 20 % ини, сурункали синовит 2 бош ҳайвонда (40 %) ва сурункали периартикуляр фиброзитнинг клиник белгилари яққол намоён бўлган 2 бош (40 %) ҳайвонда ташхис қўйилди.

Жиззах вилояти шахсий хўжаликларидан 17 бош ҳайвон клиник текширилганда, уларнинг 3 бошида (17,6 %) бўғин патологияси кузатилиб, бунда 1 бош (33,3 %) отда сурункали синовит ва 2 бош (66,7 %) отда эса сурункали периартикуляр фиброзит қайд этилди. Тошкент вилоятидан 57 бош ҳайвон текширилганда. Улардан 10 бош (17,5 %) ҳайвонда турли йирингсиз бўғин патологиялари мавжудлиги ва шундан 3 бош (30 %) ҳайвонда ўткир синовит, 3 бош (30%) ҳайвонда сурункали синовит ва 4 бош (40%) ҳайвонда эса сурункали периартикуляр фиброзит жараёнлари кечаётганлиги аниқланди.

Қашқадарё вилоятидан 32 бош ҳайвон клиник текширилганда, улардан 4 бош (18,1%) йирингсиз бўғин патологияси аниқланиб, бунда 1 бош (25%) ҳайвонда ўткир синовит, 1 бош (25%) ҳайвонда сурункали синовит ва 2 бош (50%) ҳайвонда эса сурункали периартикуляр фиброзит бошланғич босқичи кечаетганлиги қайд этилди. Сурхондарё вилоятидан 16 бош ҳайвоннинг 2 бошида (12,5 %) бўғин патологияси қайд этилиб, бунда 1 бош (50 %) ҳайвонда сурункали синовит ва 1 бош (50 %) ҳайвонда сурункали периартикуляр фиброзит жараёнлари кечаётганлиги кузатилди. Шунга ўхшаш ҳолат Бухоро вилоятидан клиник текширилган 18 бош ҳайвонда кузатилиб, бунда уларнинг 2 бошида (17,3 %) бўғин патологияси мавжудлиги қайд этилди ва бунда 1 бош (50 %) ҳайвонда ўткир синовит ва 1 бош (50 %) ҳайвонда сурункали синовит жараёни кечаётганлиги аниқланди.

Текширишлар йил давомида олиб борилганда, асосан куз, қиш ва баҳор ойларида кўпроқ кузатилиши қайд этилди. Бунга асосий сабаб, халқимизнинг миллий спорт ўйинларидан бири кўпқари шу фаслларда кўп ўтказилади. Республикамиз хўжаликларидан жами 295 бош от клиник текширилганда

ундан 5 бош (17,3%) ҳайвонда бўғиннинг турли йирингсиз яллиғланишлари мавжудлиги намоён бўлди. Улардан 18 бош ҳайвонда ўткир синовит ва бу умумий бўғин патологиясининг 21,6% ни, сурункали синовит 18 бош (35,3%) ҳайвонда сурункали периартикуляр фиброзит жараёнларининг бошланғич ва клиникаси яққол намоён бўлган жараёнлари кечаётганлиги қайд этилди. Бўғин касалликларини келтириб чиқарувчи этиологик омиллар турли-туман бўлиб, улар шу касалликка ҳайвонларнинг мойиллигидан ёки бирор бир касалликлар оқибатида келиб чиқиши мумкин.

Ҳайвонлар ташқи тузилишидаги камчиликлар, уларнинг сақлаш, озиқлантириш ва фойдаланиш шунингдек, отларни ёмон жойда боқиш, парваришlash, ҳаракатнинг чегараланиши, совуқ қотиши ва тақалаш, ёш ҳайвонларни ҳаддан ташқари кўп ишлатиш ва йзларнинг нотекислиги ҳайвонларнинг бўғин касалликларига мойиллигига сабаблари ҳисобланади.

Юқоридаги этиологик омиллар таъсирида организмда керакли жараёнларнинг издан чиқиши ва оқибатда организмнинг химоя хусусияти пасайиб ҳужайра ва тўқималарида дегенератив ўзгаришлар кузатилади. Шунинг учун ҳам отларда бўғин касалликларини келиб чиқиши сабабларини минтақавий хусусиятларини ўрганиш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Шулардан келиб чиққан ҳолда биз ўз текширишларимизда асосан спорт ва кўпқарига ишлатиладиган отларни сақлаш, озиқлантириш, парваришlash ва ундан фойдаланиш усуллари таҳлил қилиб чиқдик.

Чорвачилик фермер хўжаликларида кўпайтирилаётган отлар асосан ҳайдаб, фақат қиш ойларида боғлаб боқилади. Улар сақланадиган отхоналар поли тупроқдан нотекис, яйратиш майдончалари тор. Отларнинг кўпчилигини туёқлари ўсиб кетган, вақтида туёқни тозалаш ва кесиш ишлари амалга оширилмайди, фақат кўпқарига чопадиган отларнигина туёқлари кесилган ва тақаланган бўлади.

Спортда қатнашадиган отларни таҳлил қилганимизда улар асосан боғлаб боқилади. Улар сақланадиган биноларнинг микроклимати қониқарли ҳолатда, гўнги тозалаш, озиқа тарқатиш ва суғориш қўлда бажарилади. Отхоналар поли пишган ғишдан, текис, отлар юрадиган ўртадаги йўлақлар цемент бетон қилинган. Ҳайвонлар учун фаол мацион бор, туёқлар ўз вақтида кесиб тақаланиб турилади.

Бундан ташқари ҳайвонларни яйратиш ва югуртириладиган майдончаларни кўздан кечирганимизда у ерда сим, тош бўлақлари мавжудлигини аниқладик, асосан шунга ўхшаш ёт жисмлар отларни асосан оёқлари дистал қисмида турли шикастланишларни келтириб чиқариши маълум бўлди.

Текширишлар натижасида яна шу нарса маълум бўлдики, спорт отларини турли мусобақаларда тайёрлашда, малакаси унчалик етарли бўлмаган ёш спортчилар отларни яхши тарбиялай олмаслиги, уларни турган жойидан ва тез югуриб кетаётганда буриши, зўриқтириши, баланд тўсиқлардан сакратиши оқибатида асосан кўпроқ билагузук, тушоқ ва сакраш бўғинларида шикастланишлар келиб чиқишига сабаб бўлади.

Кўпкарига қатнашадиган отларда ҳам бўғин касалликлари асосан туёқларни нотўғри кесиш ва тақалаш, тез югуриб кетаётганда нотўғри буриш, отнинг йиқилиши, отлар бир-бирини тепиши ва тишлаши, нотекис каттиқ ва тошли тупроқ, оғир юк, тепалик ва пастликга қараб югуртириш, отларни сирпаниши бўғинларга керагидан ортиқча юкнинг тушишига ва унда бўғин элементларининг шикастланишига, оқибатда эса бўғин яллиғланишига сабаб бўлади.

Отларда ҳам бошқа ҳайвонлар каби рацион таркиби ва ундаги ҳазмланувчи протеин, витамин, макро ва микро элементлар миқдори ҳам муҳим аҳамият касб этади. Уларнинг рационда етишмаслиги ҳайвон организмида, жумладан бўғинларда ҳам турли дегенератив ўзгаришларни келиб чиқишига сабаб бўлади.

Бундан ташқари отлар рацион таркибидаги арпа, буғдой ва комбикорма таркибида турли заҳарли ўсимликлар оқ қурай, кампирчопон ва бошқа заҳарли ўсимликлар донининг қўшилиши ҳам улар организмда турли хилдаги токсико-аллергик ҳолатларни келиб чиқишига ва бўғинлар шикастланишига олиб келиши мумкин.

Текширишлар натижаси шуни кўрсатдики, отларнинг бўғин касалликларини келтириб чиқарувчи омиллар уларни ташқи тузилишидаги касалликлардан фойдаланиш турига ва улар қабул қиладиган рацион таркибига боғлиқдир.

Клиник текширишлар

Илмий тадқиқот ўтказилган ҳўжаликлардаги касал ҳайвонлардаги патологик жараёнларни клиник белгилари яққол намоён бўлиб, уларга оёқ касалликларини умумий ва махсус текшириш усуллари ёрдамида осон ташхис қўйилди.

Текширилган касал ҳайвонлар тўғрисида анамнез маълумотлари тўпланиб ва улар клиник текширилганда, патологик жараёнлар кўпроқ оёқнинг асосан юмалоқ, тушоқ, билагузук ва товон бўғинларида жойлашганлиги аниқланди. Ўткир синовит билан касалланган 11 бош отнинг 4 тасида билагузук ва 2 бош ҳайвонда тушоқ бўғинида, 4 бош ҳайвонда эса товон бўғинида патологик жараён борлиги кузатилди. Сурункали синовит билан шикастланган 18 бош ҳайвоннинг 6 бош ҳайвонда билагузук, 7 бош ҳайвонда товон, 2 бош ҳайвонда юмалоқ ва 3 бош ҳайвонда тушоқ бўғинларида патологик жараёнлар кечаётганлиги аниқланди.

Бундан ташқари, сакраш бўғинида 12 бош, тушоқ бўғинида 6 бош ва билагузук бўғинида 4 бош ҳайвонда сурункали периартикуляр фиброзитнинг бошланғич босқичи ва клиник белгилари яққол намоён бўлган патологик жараёнлар мавжудлиги қайд этилди.

Касал ҳайвонларда клиник белгилар патологик жараённинг жойлашган жойига ва унинг кечишига қараб қуйидагича намоён бўлди. Ўткир серозли

синовитда бўғинлар шишган, маҳаллий ҳарорат кўтарилган ва оғриқли бўлиб, пальпация қилинганда флюктация яққол намоён бўлади, бўғин дивертикулалари таранглашган. Пассив ҳаракатлантирилганда ҳайвон оғриқ сезади, ҳайвон ҳаракат қилганда оқсашнинг паст ва ўрта даражаси кузатилди. Бўғин бўртикларидан бирини бармоқ билан босиб турса, суюқликнинг иккинчи бўртик томон ҳаракати яққол сезилади. Билагузук бўғинида патологик жараён асосан юқори, яъни билак-билагузук бўғинидан бошланиб, бунда флюктация берувчи шиш бўғиннинг дорсал юзасида билагузукнинг тирсак ёзувчи пайи билан бармоқнинг умумий ёзувчи пайи оралиғида жойлашганлиги қайд этилди. Бу шиш унча катта бўлмасдан айланасимон шаклга эга, оёқнинг бўш сақлаганда у яхши флюктация беради. Отларда билак-билагузук бўғини капсуласи билан билагузукнинг тирсак ёзувчи пай қини ўртасида боғлиқлик бўлгани сабабли патологик жараён пай кинига ҳам ўтиб, тендовагинитларни ҳам ривожланишига сабаб бўлган. Айрим ҳайвонларда билагузук бўғинининг ўрта қатори шикастланганлиги аниқланиб, бунда бўғин атрофида иккита яримойсимон шиш пайдо бўлганлиги кузатилди. Тушоқ бўғинидаги патологик жараёнларда шиш тез ҳосил бўлиб, маҳаллий ҳарорат юқори пассив ва айланма ҳаракатлантирилганда оғриқ кучли намоён бўлди. Бўғин дивертикулаларининг бўртиб чиққан жойларида флюктуация беради, айрим жойларида қор ғижирлаганига ўхшаш товуш эшитилади. Ҳайвонлар ҳаракатланганда оқсашнинг ўрта даражаси қайд қилинди.

Сурункали синовит билан касалланган ҳайвонлар бўғинида, оқсаш кузатилмади, лекин шикастланган бўғин яхши букилмайди, бундан ташқари ҳайвонни кучли эксплуатация қилганда у тез чарчайди ва бўғинда кучсиз оқсаш пайдо бўлди. Бўғин пальпация қилинганида унда флюктуация берувчи катта шиш, товон бўғинидаги 3 та дивертикулаларнинг суюқлик билан тўлганлиги аниқланди. Бўғин дивертикулалари бармоқ билан босилганда суюқлик синовиал бурмаларининг биридан иккинчисига ўтиши яққол намоён

бўлди. Ҳайвон тинч турганда касалланган оёғини буккан ҳолда сақлайди ёки тана оғирлигини бир оёқдан иккинчи оёққа ўтказиб алмаштириб туради.

Периартикуляр фиброзит жараёни кечаётган ҳайвон бўғинлари фиброз капсуласи катталашган, боғламлар қалинлашиб, эластиклиги камайган. Касаллик бошланишида бўғин капсуласи ва боғламлари пальпация қилинганида оғриқ кузатилди, ҳайвон тинч турганида оғриқ кузатилмайди, лекин ҳаракатланганда, ишлаганда кучли оқсаш кузатилди. Ҳайвон оёқлари ҳаракатланганида яллиғланган жойнинг ва бужмайган бўғин капсуласининг чўзилиши натижасида тўқималарда оғриқ реакцияси пайдо бўлади. Бўғин капсуласи ва синовиал бурмаларни пальпация қилиш қийинлашган, бўғин пассив ҳаракат қилинганида оғриқ ва ҳаракатнинг чегараланганлиги қайд қилинди. Касалланган оёқ бўғини билан соғлом оёқ бўғини таққослаб текширилганда, унинг дефигурацияга учраганлиги аниқланди.

Бўғинларни диагностик пункция қилиш натижалари

Илмий тадқиқотлар ўтказилган отлар бўғинларида кечаётган патологик жараёнларнинг характери ва диагнозни тасдиқлаш мақсадида диагностик пункциялар амалга оширилди.

Отларнинг касалланган бўғинларида диагностик пункция ўтказишдан олдин операция майдони тайёрланди, сўнгра И.И. Магда, Б.М. Оливков ва И.Ф. Попов усуллари бўйича пункция қилинди. Юмалоқ бўғинида пункция ўтказишда игна олдинги ёки ёнбош синовиал бурмаларининг бирига санчилди. Бунда тушоқ суягининг пастки чегарасидаги тоғайга ўтиш жойи пальпация қилиб топилди ва унинг орқа қисмига тушоқ суяги ва букувчи пай оралиғига юмалоқ бўғини синовиал бурмалари жойлашган. игна ташқи тоғайга ўтиш жойининг орқасидан, ташқаридан ички томонга ва юқоридан пастга қаратиб 1,5-2 см чуқурликга санчилди.

Тушоқ бўғинида игна кафт суягининг дистал қисми охирининг латерал ёки медиал томонидан, олдиндан кафт суяги орқа томондан суяклараро

мускулнинг оёқчаси ва пастдан кунжутсимон суяклар оралиғида ҳосил бўлган чуқурчага 45⁰ бурчак остида кафт суяги ёўналиши бўйича 1,5-2 см чуқурликга санчилди.

Билак-билагузук бўғинида пункция билак ва қўшимча суякларнинг дорсал қисми оралиғидан амалга оширилди. Бунда игна билак суяги ва билагузукнинг тирсак ёзувчи пайи оралиғи бўйлаб қўшимча суякларнинг юқори қисмидан билак суягига озроқ тегизиб 2,5-3 см чуқурликга санчилди.

Товон бўғинида операция майдонини тайёрлагандан кейин, игна бўғиннинг дорсал ички синовиал бурмалари дивертикулаларига, букилган томон юзасига горизонтал ҳолатда катта болдир суягининг ички кафтчаси пайдан 1,5-3 см чуқурликга санчилди.

Шикастланган бўғинларда патологик жараёнлар ўткир кечганда экссудатни олиш осонгина амалга оширилди, аммо сурункали жараёнларда муолажаларни ўтказишда биров қийинчиликлар намоён бўлди.

Касал отларни синовиал суюқлигининг физикавий хусусиятлари ва синовио-цитограммаси текширилганда, отларда асосан бўғимнинг ўткир синовити, сурункали синовит ва фиброзит касалликлари кечаётганлиги маълум бўлди (3-жадвал).

**Бўғимлардан олинган пунктатнинг физикавий хусусиятлари ва
синовио-цитограммаси**

3-жадвал

т/р	Кўрсаткичлари	Ўткир синовит	Сурункали синовит	Фиброзит
1	Ранги	Оқ-сарғиш	Рангсиз ва оқ-сарғиш	Рангсиз
2	Тиниқлиги	Хира, фибрин бўлакчалари билан	Тиниқ	Тиниқ
3	Муцинли аралашма	Бўш пахтага ўхшаш камроқ	Бўш, шаклланмаган	Катта, зич, тиниқ суюқлик билан
4	Ёпишқоқлиги, см	0,7-0,9	1,9-2,7	4,5-5,5
5	Лейкоцитлар сони, 1 мл/дона	2100-2500	800-1600	120-180
6	Лимфоцитлар, %	60-68	75-86	80-90
7	Нейтрофиллар, %	32-36	2-4	4-10
8	Моноцитлар, %	4-6	2-5	8-12

Ўткир синовитда бўғим синовиал суюқлигининг физикавий хусусиятлари ўрганилганда унинг ранги оқ-сарғиш хиралашган ва ундан фибрин бўлакчалари яққол намоён бўлади. Сурункали синовитда унинг рангсиз ва айрим ҳолларда оқ-сарғиш тиниқ ҳолатда эканлиги кузатилган бўлса, сурункали периартикуляр фиброзитда эса суюқликнинг рангсиз ва тиниқ ҳолатда эканлиги аниқланди. Муцинли аралашма ўткир синовитда кам

миқдорда бўш пахтага ўхшаш бўлса, сурункали синовитда бўш ва шакл сиз ҳолатда, сурункали периартикуляр фиброзитда эса катта, зич, тиниқ масса шаклида бўлиши аниқланди. Олинган синовиал суюқликнинг ёпишқоқлиги ўткир синовитда 0,7-0,9 см ни, сурункали синовитда 1,9-2,7 см ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич сурункали периартикуляр фиброзитда энг юқори кўрсаткични, яъни 4,5-5,5 см эканлиги қайд этилди.

Олинган пунктат таркибидаги лейкоцитлар миқдори саналганда, ўткир синовитда улар миқдорининг 1 мл да ўртача 2100-2500 та қайд этилган бўлса, сурункали синовитда 800-1600 та ва сурункали периартикуляр фиброзитда камроқ, яъни 120-180 та бўлиши аниқланди. Касалланган бўғим бўшлиғидан олинган суюқликлардан тайёрланган суртмаларни микроскоп остида кўрганимизда, ўткир синовитда лимфоцитлар 60-68 % ни, сурункали синовитда 75-86 % ни ва сурункали периартикуляр фиброзитда эса 80-90 % ни ташкил этди. Ўткир синовитда нейтрофиллар фоизининг анча кўпайганлиги 32-36 % қайд қилинган бўлса, сурункали синовитда 2-4 % ни ва периартикуляр фиброзитда 4-10 % эканлиги аниқланди. Моноцитлар миқдорида характерли ўзгаришлар кузатилмади, бунда улар миқдори ўткир синовитда 4-6 %, сурункали синовитда 2-5 % ва периартикуляр фиброзитда эса 8-12 % ни ташкил этди.

Паталого-анатомик текшириш натижалари

Отларнинг бўғинларида кечаётган турли шаклдаги йирингсиз жараёнлар таъсирида ҳосил бўладиган патологик ўзгаришларни ўрганиш учун, бўғинларида йирингсиз яллиғланиш жараёнлари кечаётган 10 бош касал от сўйилди.

Бўғинларда кечаётган ўткир синовит босқичида яллиғланиш жараёнининг ривожланиши натижасида бўғин синовиал пардаси қизариб шишган, бўғин четларида жойлашган синовиал парда сўрғичлари катталашиб юмшаганлиги ва қизарганлиги аниқланди. Фиброз капсуласига сероз экссудат сўрилиши натижасида у бир оз қалинлашган. Бўғим бўшлиғида

суяқ, оқ-сарғиш хиралашган (400-600 мл) тўпланган суяқлик олинди. Субсиновиал қаватдаги қон томирлар катталашган бўлиб, параартикуляр тўқималар эса шишган.

Сурункали синовитда синовиал парда тўқималари гипертрофия ва гиперплазияга учраши натижасида катталашиб қалинлашгани, синовиал парда сўрғичларида эса қўпол толаланган тўқима ва тоғай ҳужайралари ўсганлиги қайд қилинди. Бўғин бўшлиғи суяқлик тўпланиши натижасида кенгайган бўлиб, капсуляр боғлам қалинлашган ва синовиал парданинг ялтироқлиги камайган. Синовиал парданинг айрим жойларида синовиал сўрғичлар тушиб қолган ва унинг ўрнига чандиқлар ҳосил бўлган. Бўғин фиброз капсуласи қалинлашиб бужмайган ва атроф-тўқималари нисбатан эластиклиги анча камайган. Айрим ҳайвонларнинг бўғин капсуласи ичига фибрин қуюқмаси тўпланиб қалин парда ҳосил қилган. Бўғин атроф элементларида ҳам ўзгаришлар борлиги аниқланиб, бунда улар тўқималарида қалинлашиш ва шиш борлиги қайд этилди.

Сурункали периартикуляр фиброзит жараёнининг клиник белгилари яққол намоён бўлган ҳайвонларда асосан бўғин капсуласининг фиброз қаватида, унинг боғламларида ва периартикуляр тўқималарда пролифератив жараёнлар кузатилди. Бунда чуқур ўзгаришлар бўғин капсуласининг фиброз қаватида кузатилиб, у қалинлашган, эластиклигини йўқотган, айрим жойларида бириктирувчи тўқималар ўсган. Периартикуляр тўқималар оралиғида турли шакллардаги оқиш рангдаги зич консистенцияга эга бўлган тўқималар ўсиб кирган ва натижада у қаттиқлашиб эластиклиги камайган. Боғлам тўқималарида ҳам қалинлашиш ва эластиклигининг пасайиши аниқланди. Синовиал қобикда сезиларли ўзгаришлар кузатилмаган бўлсада, бўғиндаги синовиал суяқлик миқдори анча камайганлиги қайд этилди.

Касалланган ҳайвонлар тўғрисида олинган анамнез маълумотлари ва клиник текширишларга асосланган ҳолда таъкидлаш лозимки, спорт ва кўпкарига қатнашадиган отларда йирингсиз бўғин касалликларини, яъни

синовит ва периартикуляр фиброзитларни келтириб чиқарувчи асосий этиологик омилларга уларни асосан ёш отларни яхши тарбияламасдаш ва тайёрламасдан эксплуатация қилиндир.

Текширишлардан маълум бўлдики, спорт ва кўпқарига қатнашадиган отларда бўғинларнинг йирингсиз яллиғланишлари асосан уларни вояга етмасдан яхши тарбияламасдан ва тайёрламасдан спорт ўйинларига жалб қилиш оқибатида келиб чиқади. Бунда отларни туёқларини кесиш ва тақалаш ишлари етарли малакага эга бўлмаган шахслар томонидан нотўғри бажарилиши, спорт ўйинларини тошлоқ ва нотекис майдонларда ўтказилиши, ёш ва яхши тайёрланмаган отларни кўпқари ўйинига катта ва бақувват отлар билан бирга қўшиш ва уларни ортиқча зўриқтириш, кескин буриш уларни йиқилиши ва бошқа лат ейишлар натижасида турли бўғин касалликлари келиб чиқади. Маълумки кўпқарига қатнашадиган отлар 2-3 ой боғлаб яхшилаб боқилади ва кейин аста-секинлик билан улар кам масофадан бошлаб кейинчалик ҳар куни озроқ масофа қўшиб ҳаракат кўпайтирилиб борилади. Мана шу машқлар бажарилишида боғловдан чиққан отларни мацион бошланишида бирданига кўп масофага миниш, уларни югуртириш ҳам бўғинларда ўзгаришларни келтириб чиқаради, чунки кам ҳаракат қилган ҳайвонларда синовиал суюқлиги суюқ бўлиб, ҳаракат ошиб борган сари улар қуюқлашиб боради. Шунинг учун отларни спорт мусобақаларига қатнашишидан олдин юргизиб кейин актив ҳаракат қилдирилса, улар бўғин суюқлиги қуюқлашади ва бўғин ҳаракати енгил бўлади, шу билан бирга турли таъсуротлардан бўғин элементларини ҳимоя қилади.

Спорт мусобақаларидан кейин отлар терлаб танаси қизиб кетган бўлади, уларни бирдан тўхтатмасдан юргизиб дам бериш, озиқлантирмаслик ва сув бермаслик мақсадга мувофиқдир, акс ҳолда турли асоратлар келиб чиқади. Мусобақа тугагандан 6-7 соат ўтгандан кейин от яхшилаб дамини олади, шундан кейин сув бериб енгил ҳазм бўлувчи озиқалардан беда бериш керак.

Шикастланган бўғинларда намоён бўлган клиник белгилар, синовиал суюқликнинг сифат ва синовиоцитограмма маълумотлари, бўғинлардаги паталого-анатомик ўзгаришларга таянган ҳолда отларда йирингсиз яллиғланишларни ривожланишини қуйидагича ифодалаш мумкин.

Турли хилдаги омиллар таъсири остидаги ўткир серозли синовитда биринчи бўлиб бўғин синовиал пардасида яллиғланиш жараёни ривожланади, бунда унинг томирларида гиперемия ва ўтказувчанлигининг ошиши кузатилиб, сероз ёки сероз-фибриноз экссудатнинг бўғин бўшлиғига тўпланиши, водород ионлари концентрациясининг ошиши ва тўқима элементларининг буқиши кузатилади. Бўғин ичига экссудатнинг тўпланиши қон томир деворини ўтказувчанлигини оширади ва оқибатда қон таркибидаги оксил моддаларини сизиб чиқишини оширади. Қон томирларининг чуқур шикастланиши фақатгина альбуминларнинг эмас, балки глабулинларнинг ҳам сизиб чиқишига сабаб бўлади ва оқибатда фибтозли экссудатнинг ҳосил бўлишига олиб келади. Синовиал парда ва унинг сўргичлари сезиларли дарижада шишади, оқибатда синовиал парданинг яллиғланган жойларидаги бир қисм эндотелий кўчиб экссудатга аралашади. Бўғиндаги синовиал суюқлик оқ-сарғиш рангда, ёпишқоқлиги паст ва хиралашган бўлиб, таркибида кўп миқдорда лейкоцитлар борлиги кузатилади.

Отларда серозли синовит тузалмасдан яна такрорий шикастланиш оқибатида сероз-фибринозли синовитларнинг пайда бўлишига сабаб бўлади. Бунда кучли шикастланиш натижасида парда ва субсиновиал пардадаги кичик ва катта қон томирлар бутунлиги бузилади, улар ўтказувчанлигининг ошиши натижасида катта молекулали оксил ва фибринлар ажралиб чиқади ва тез ивийди. Сероз-фибринозли экссудат бўғин капсуласига шимилади. Бўғин ичига тўпланган экссудат ва фибрин яхши кечганда сўрилиб кетади, агар жараён узок давом этса ва ўз вақтида даволаш муолажалари қўлланилмаса бир қисм фибрин бўлакчалари артролитларга айланади ёки синовиал пардага қўшилиб кетади ва уни қалинлаштиради. Жараён сурункали босқичга

ўтганда бўғин суюқлиги камаяди, фақатгина капсула юзасининг орасига ўсмасдан балки унинг ички юзасига ўсиб бўғин ичида чандиқларни ҳосил қилиб, фибриноз анкилозининг пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Бўғиндаги механик омил қанча кучли бўлса ундаги ўзгаришлар ҳам шунчалик кучли намоён бўлади, бунда периартикуляр тўқималарда асосан пролифератив жараёнлар ривожланиб, фиброз бириктирувчи тўқималарнинг бўғин атрофида ўсиши натижасида диффузли шиш пайдо қилади аста-секинлик билан ҳайвон бўғини ҳаракати чегараланиб боради ва анкилоз ривожланади.

3.4. Бўғимларни асептик яллиғланишларини даволаш.

3.4.1. Клиник кўрсаткичлар .

Ҳайвонларга ташхис қўйишда ҳайвонлар тўғрисида анамнез маълумотларини йиғиш ва клиник текширишлар ўтказиш билан ҳайвонларда туёқ бўғимида шикастланишлар турлари ва ҳаракатлари аниқланиб, уларнинг асосан сурункали асептик артритлар билан касалланганликлари аниқланди.

Тажрибагача ҳайвонларни тик турган ҳолатда кўриқдан ўтказилганда, билакузук бўғимида шиш борлиги ва у оёқларни тез-тез алмаштирган ҳолда ерга қадаб туриши кузатилди. Улар ҳаракатланлантирилганда 2-чи ва 3-чи даражали таянч оқсаш намоён бўлди. Туёқ бўғими палпация қилинганда озроқ маҳаллий ҳарорат, шиш ва оғриқ реакцияси кузатилди. Бўғин дивертикулалари қаттиқлашиб таранглашган. Бўғин атрофида 2 та доирасимон шиш аниқланди, уларнинг бири ички бўғим бойламаси олдида пастга қараб чузилган, иккинчиси ташқи бўғим бойламаси орқасига қараб чузилган. Бўғим атрофи айлана шаклга эга бўлган.

Бўғим пассив ҳаракатлантилганда оғриқли ва ҳайвон безовталанди.

Даволашнинг 5 кунда биринчи гуруҳ ҳайвонлари текширилганда уларда қуйидаги клиник белгилар кузатилди, бунда буғим атрофидаги шиш озроқ юмшаганлиги, аммо пассив ҳаракатлантирилганда ҳайвон кучли оғриқ сезиши кузатилди. Буғим атрофидаги айланасимон шишла озроқ катталашганлиги жараённинг ўткир формасига ўтишидан далолат беради. Ҳайвон ҳаракатлантирилганда таянч оқсаш кузатилди. Буғим атрофидаги дивертикулалар озроқ юмшаб бушаганлиги ва озроқ ҳаракатланиши намоён бўлди.

Худди шунга ўхшаш клиник ўзгаришлар иккинчи гуруҳ ҳайвонларида ҳам кузатилди, бунда буғим атрофидаги дивертикулалар бушашиб юмшаганлиги, оғриқнинг озроқ пасайганлиги, буғим пассив ҳаракатлантирилганда оғриқ реакциясининг камайганлиги ва ҳайвон ҳаракатлантирилганда оқсашнинг камайганлиги кузатилди.

Тажрибанинг 10-кунда биринчи гуруҳ ҳайвонлари клиник кўриқдан ўтказилганда уларнинг кафт бўғимида шишнинг озроқ пасайганлиги, буғим атрофидаги дивертикулалар бўшашиб юмшаганлиги, оғриқнинг озроқ пасайганлиги, буғим ҳаракатлантирилганда оғриқ реакциясининг озроқ камайганлиги кузатилди. Ҳайвонлар ҳаракатлантирилганда оқсаш ўзроқ камайганлиги намоён бўлди.

Иккинчи тажриба гуруҳи ҳайвонларида даволашнинг 10-чи кунда улар клиник кўрсаткичларининг ижобий томонга силжиши яққол намоён бўла бошлади. Бунда буғим атрофи шишлаи пасайиб, соғлом оёқ буғими билан таққослаганда деярли фарқлар кузатилмади, буғим дивертикулалари билинар-билинемас ҳолатда, буғим пассив ҳаракатлантирилганда оғриқ реакцияси деярли кузатилмади. Фақат ҳайвонлар ҳаракатлантирилганда паст даражали оқсаш намоён бўлди.

Даволашнинг 15 кунга келиб биринчи гуруҳ ҳайвонларида улар клиник кўрсаткичларининг ижобий томонига силжиши кузатилди. Бунда буғим атрофи шишларининг анча пасайганлиги, уларнинг соғлом оёқ

буғимидан айтарли даражада фарқлари кузатилмади. Ҳайвон буғимларини пассив ҳаракатлантирилганда озроқ оғриқ реакцияси борлиги ва улар ҳаракатлантирилганда 1-даражали оқсаш намоён бўлди.

Тажрибанинг 15 чи кунига келиб иккинчи гуруҳ ҳайвонлари клиник текширилганда, улар буғимларнинг сурункали асептик ялиғланишларга хос бўлган клиник белгилар кузатилмади, буғим контурининг меъёрадаги анатомик ҳолатда эканлиги пайпаслаганда оғриқсиз, ҳамда шишлар юқолганлиги қайд этилди. Буғин капсуласи озроқ калинлашган бўлсада, катталиги ва буғинларнинг ҳаракатида соғлом оёқлардан фарқлар кузатилмади.

Анъанавий усуллар қўлланилган биринчи гуруҳ ҳайвонларида бу клиник белгилар тажрибанинг 20 чи кунига келиб кузатилди, фақатгина бу гуруҳдаги 1 та ҳайвонда озроқ оқсаш белгилари сақланиб қолган эди.

Юқорида олинган маълумотлардан кўриниб турибдики, анъанавий усулларга қўшимча хондролон қўлланилганда отларда туёқ буғимида учрайдиган асептик сурункали ялиғланишларни даволашда анча ижобий самара бериши яққол намоён бўлди, яъни биринчи гуруҳ ҳайвонларида даволаш 20 кун давом этган бўлса, хондролон қўлланилган гуруҳда эса 15 кунни ташкил этди.

3.4.2. Морфо-биокимёвий кўрсаткичлар.

Тажрибалар бошлангунча ва тажрибаларнинг 5-10-15 ва 25 кунлари тажриба ва назорат гуруҳидаги ҳайвонлардан олинган қон намуналарининг айрим морфо-биокимёвий кўрсаткичлари бўйича текширишлар олиб борилди.

Назорат сифатида биринчи гуруҳ ҳайвонларидан олинган қондаги эритроцитлар сони тажрибанинг 5-кунида 2,%га, 10-кунида 6,2%га ва фақатгина 25-кунига келиб 10,4%га ошганлиги қайд қилинди. (2-жадвал)

Қондаги лейкоцитлар сони кузатишларнинг 5-кунида дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 6,6%га ошган бўлса, тажрибанинг 10-кунига келиб 9,3%га, 15-кунига 5,3%га, ва 25-кунга келиб эса 13,3 %га ошганлиги кузатилди. Қонда гемоглобиннинг концентрацияси тажрибанинг дастлабки кунлари унчалик ўзгармаган бўлсада, тажрибанинг 10-кунига келиб 29,4 % га, 15-кунига 23,5 % га ва 25-кунига келиб эса 7 % га дастлабки кўрсаткичларга нисбатан ошганлиги аниқланди.

Лимфоцитлар тажрибанинг 5-кунида 5,2 %га камайган бўлса, тажрибанинг 10-кунига келиб дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 7,8 %га ошган бўлса, 15-кунига ва 25-кунларига келиб эса шунга мос равишда 2,7 - 7,9 %га камайганлиги қайд қилинди.

Ананавий усулларга қўшимча хондролон юборилган иккинчи гуруҳдаги ҳайвонларда тажрибанинг 5-кунида эритроцитлар сони 17,2 %га ошган бўлса, даволашнинг 10-кунига келиб 19,1 %га, 15-кунда 8,5 %га, ва тажрибанинг 25-кунига келиб эса 4,2 %га ошганлиги аниқланди. Қондаги лейкоцитлар сони бу гуруҳдаги ҳайвонларда даволашнинг 5-кунида 8,5 %га, 10-кунида 5,7 %га, 25-кунига келиб эса 11,2 % га ошганлиги кузатилди.

Худди шундай ўзгаришлар қондаги гемоглобин миқдорида ҳам аниқланиб, бунда тажрибанинг 5-кунида улар миқдори 15 %га ошган бўлса,

даволашнинг кейинги, яъни 10-кунида 27 %га, 15-кунида 26,2 %га ва тажрибанининг 25-кунига эса 11,2 %га ошди.

Иккинчи гуруҳ ҳайвонлари қонидаги лимфоцитлар миқдори ҳам тажрибанинг 5-кунида 20,5 %га ошган бўлса, 10-кунга келиб эса 17,6 %га, 15-кунда 8,8 %га даволашнинг 25-кунига келиб 2,9 %га кўпайди. (3-жадвал)

Тажрибадаги биринчи гуруҳ отлар қонидаги морфологик кўрсаткичлар.

4-жадвал.

№	Кўрсаткичлар	Биометрик кўрсаткич	Тажриба бошида	Тажриба кунлари			
				5	10	15	25
1	Эритроцитлар	$m \pm m$	4,8±0,13	4,9±0,05	5,1±0,04	5,2±0,05	5,3±0,06
	млн\мкл	%	100	102,0	106,2	108,3	110,4
2	Лейкоцитлар	$m \pm m$	7,5±0,3	8±0,4	8,2±0,2	7,9±0,5	8,5±0,5
	минг\мкл	%	100	106,6	109,3	105,3	113,3
3	Гемоглобин	$m \pm m$	85±1,1	95±1,3	110±1,4	105±1,8	91±1,3
	Г/л	%	100	111,7	129,4	123,5	107
4	Лимфоцит	$m \pm m$	38±1,0	40±1,4	41±1,4	37±1,6	35±1,7
	%	%	100	105,2	107,8	97,3	92,1

Тажрибадаги иккинчи гуруҳ отлар қонидаги морфологик кўрсаткичлар.

№	Кўрсаткичлар	Биометрик кўрсаткич	Тажриба бошида	Тажриба кунлари			
				5	10	15	25
1	Эритроцитлар	$m \pm m$	$4,7 \pm 0,11$	$5,5 \pm 0,08$	$5,6 \pm 0,9$	$5,1 \pm 0,3$	$4,9 \pm 0,04$
	млн\мкл	%	100	117,2	119,1	108,5	104,2
